O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: halksuzi@sand.uz • 2002 йил 11 октябрь, №219-220 (3047-3048) Жума

Олий Мажлисда



Қонун талаби қатъий

Кеча Олий Мажлис Атроф муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни қўмита раиси Қ.Жумабеков олиб борди.

Йиғилиш «Экологик экспертиза тўғрисида»ги Қонун ижросини Тошкент вилоятида ўрганиш натижаларига бағишланди. Унда вилоятда бу қонун ижроси бўйича муайян ишлар амалга оширилганлиги таъкидлаб ўтилди. Вилоят давлат экологик экспертизаси вилоят ҳудудида мўлжалланаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик ва бошқа хил фаолиятлар экологик талабларга мувофиқлигини доимий назоратда сақламоқда. Атроф муҳит ҳолатига ва фуқаролар соғлиғига зарарли таъсирларнинг олдини олиш, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш юзасидан назарда тутилаётган тадбирларнинг етарли бўлишига ҳам эътиборни кучайтирган.

Объектларни экологик экспертиза билан тўлиқ қамраб олиш мақсадида республика Марказий банкининг тегишли тузилмалари билан ҳамкорлик кучаймоқда. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси бўлинмалари билан баҳамжиҳат иш олиб борилиши эса жойларда объектлар лойиҳа асосида қурилиши ва экологик экспертиза хулосалари шартлари бажарилишини кескин яхшилади.

Вилоят давлат экологик экспертизаси томонидан ўтган икки ярим йил ичида лойиҳаларнинг турли босқичларига мансуб 1074 та ҳужжат кўриб чиқилди. Атроф муҳит муҳофазаси масалаларига алоҳида эътибор қаратилганлиги боис уларнинг 1045 таси маъқул топилган. Ўттизга яқин лойиҳа ва лойиҳаолди ҳужжатлари қурилиш нормалари ва қоидалари ҳамда бошқа норматив ҳужжатлар талаблари даражасида маромига етказилмаганлиги сабабли буюртмачиларга қайтарилган. Уларнинг камчиликлари бартараф қилинганидан кейин экологик экспертизадан қайта ўтказилган. Айрим объектларнинг жойлашиши экологик талабларга зид бўлганлиги боис уларнинг қурилишига эътироз билдирилган.

Мажлисда таъкидландики, мазкур йўналишдаги давлат экспертизасининг фаолияти вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг ҳайъат йиғилишларида мунтазам муҳокама этиб борилмоқда. Бу эса қонун ижроси салмоқли бўлишини таъминлаяпти. Омма орасида, корхоналарда ва муассасаларда табиатни муҳофаза этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини тушунтириш ва тарғиб этиш ишлари кучайтирилган. Экологик экспертизанинг ижобий хулосасисиз ер участкалари ажратилишига, лойиҳалар амалиётда татбиқ этилишига, шунингдек, банк ва бошқа кредит ташкилотлари томонидан молиялаштирилишига йўл қўймаслик чоралари кўрилган. Ушбу Қонун талабларини кенг омма онги ва шуурига етказишда оммавий ахборот воситаларидан самарали фойдаланилмоқда.

Тошкент вилоят давлат экологик экспертизаси фаолиятидаги мавжуд айрим камчиликлар ҳам йиғилиш қатнашчилари эътиборидан четда қолмади. Вилоятда экологик экспертизанинг ижобий хулосаси бўлмасада, баъзи тадбиркорлар ўз маблағига қурилиш ишлари олиб бораётганлиги ҳолларига етарлича аҳамият берилмаяпти.

Йиғилишда муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. Унда мамлакатимиздаги барча экологик экспертиза объектларини тўла қамраб олиш, давлат экологик экспертизасининг сифат ва миқдор даражасини ошириш ҳамда такомиллаштириш талаби қўйилди. «Экологик экспертиза тўғрисида»ги Қонун талабларига қатъий риоя этилишини таъминлаш чораларини кўриш тавсия этилди.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Санъатга ошно кўнгиллар

Уларда баҳор ҳавосининг оромбахшлиги, чўққиларнинг улуғворлиги, бургутнинг шиддати-ю, камалакнинг латиф рақслари яшайди. Эзгулик ва меҳр-оқибат яшайди.

Суратдаги паривашнинг нигоҳига бир боқинг. Юз-кўзларидан нур таралаётгандек. Санъат одамларни гўзаллаштиради. Гўзаллик эса дунёни асрайди!

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Кунчиқар юрт совғалари

Сўнгги икки йил ичида Андижон вилоятидаги 12 та мактаб Кунчиқар мамлакати грантига сазавор бўлди. Сўнгги русумдаги компьютерлар, замонавий ўқув анжомлари ўқувчиларнинг пухта билим олишларида ғоят қўл келмоқда.

Дўстлик чегара билмайди, деганлари рост экан. Япония давлатининг мамлакатимиздаги элчихонаси умумтаълим мактабларидан бир қанчасига навбатдаги грантлар туркумини ажратди. Андижон шаҳридаги 2-ўрта мактаб 80 минг, Балиқчидаги 39-мактаб 58396,Олтинкўлдаги 22-мактаб 58337, Марҳаматдаги 42-мактаб 70529, Асака шаҳридаги 1-мактаб 54367 АҚШ доллари миқдоридаги грант соҳиблари бўлишди. Ана шу грантлар ҳисобига мазкур мактабларга замонавий компьютерлар, спорт анжомлари, ўқув қуроллари келтирилади.

Йил охиригача яна бешта умумтаълим мактаби Кунчиқар юртнинг 322 минг АҚШ доллари миқдоридаги туҳфасидан баҳраманд бўлиши кўзда тутилган.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Осиё чемпионати Ўзбекистонда ўтказилади

Юртимизда ҳар йили ўтказиладиган "Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги" ҳамда "Тошкент опен" халқаро теннис мусобақалари бутун дунёда ўз мавқеи ва обрў-эътиборига эга. Мана шу турнирлар жараёнида мамлакатимизга ўнлаб теннис юлдузлари ташриф буюрмоқда. Айни вақтда мазкур иккита йирик мусобақадан ташқари барча вилоятларимиз ҳар хил халқаро ва маҳаллий теннис беллашувларига мезбонлик қилаётир. Буларнинг барчаси Ўзбекистонни теннис мамлакати деб баралла айтиш учун асос бўла олади.

Шу йил 14-20 октябрь кунлари Тошкентда Осиё теннис федерацияси ва Ўзбекистон теннис федерацияси яна бир нуфузли мусобақа — Осиё чемпионатини ўтказади.

Осиё теннис федерацияси (ОТФ) Халқаро теннис федерациясининг таркибий қисми бўлиб, унинг қароргоҳи Сингапурда жойлашган. Унга Осиёнинг 43 мамлакати аъзодир. Қитъа теннис федерацияси Шарқий, Марказий ва Жанубий-Шарқий Осиё минтақаларига бўлинган. Ҳар бир минтақани ОТФ вице-президентлари бошқаради. Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдураҳмонов Марказий Осиё минтақаси бўйича ОТФнинг вице-президентидир.

Осиё чемпионати илк бор 1972 йилда Гонконгда ҳаваскор теннисчилар ўртасида ташкил этилган. Ўшанда ОТФга аъзо бўлган 17 мамлакатдан ўн иккитаси ўз спортчиларини биринчи Осиё чемпионатида иштирок этиш учун юборган. 1989 йилга қадар биринчиликда фақатгина ҳаваскор спортчилар қатнашган. Лекин ўша йилдан эътиборан, мусобақаларга профессионал теннисчилар ҳам қўйилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, 2002 йил ОТФ учун алоҳида эътиборга молик сана ҳисобланади. Чунки шу йили Осиё биринчилиги ўзининг 30 йиллигини нишонлайди. ОТФ мамлакатимизда истиқлол йилларида спортни, хусусан, теннисни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, уларнинг самарасини юксак баҳолаб, ана шундай юбилей-турнирга мезбонлик қилиш ҳуқуқини Ўзбекистонга берди. Бундан ташқари, қитъа чемпионати нафақат Марказий Осиё, балки Шарқий Осиёда биринчи марта ўтказилмоқда. ОТФ ва Ўзбекистон теннис федерацияси шу йилдан бошлаб уч йил давомида ушбу мусобақани юртимизда ўтказишга келишиб олди.

Шундай қилиб, 14 октябрдан эътиборан Тошкент теннис маркази кортларида Осиёнинг энг кучли ракетка уста-лари беллашади. Ҳозиргача 15 мамлакат спортчилари биринчиликда қатнашиш истагини билдирган. Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида бўлаётган Осиё ўйинлари якунлангач, Тошкентга келадиган жамоалар сони кескин ошиши кутилмоқда.

Мусобақа қоидаларига биноан ҳар бир мамлакатдан икки-тадан теннисчи қатнашади. Мезбон давлатга берилган имтиёзга кўра Ўзбекистон тўртта теннисчи — Олег Огородов, Вадим Куценко, Оқгул Омонмуродова ва Иванна Исроилова номзодини кўрсатган.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Малакали мутахассислар — тараққиёт омили

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида Бош вазир ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Н.Юсупов иқтидорли талаба-ёшлар билан учрашди. Унда вазирлик тизимидаги ўқув-илмий муассасалари ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази талабалари, ёш тадқиқотчилар, аспирантлар ҳамда докторантлар иштирок этди.

Учрашувдан кўзда тутилган мақсад мамлакатимизда билимли ёш фан фидойиларини кашф этиш, уларнинг келгусида етук олимлар бўлиб етишиши учун шарт-шароит яратиш, мавжуд муаммолар ечимини биргаликда ҳал этишдан иборат.

Қишлоқ ва сув хўжалигини ривожлантириш, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, аввало, аграр соҳага боғлиқ фанлар ва таълим салоҳияти, соҳанинг кадрлар билан нечоғли таъминланганига боғлиқ. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган ва изчил амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги йўналишидаги олий ўқув юртларига қабул қилинаётган ёшларнинг сифат таркибини яхшилаш учрашувда муҳокама қилинган асосий масалалардан бири бўлди. Кейинги йилларда олий ўқув юртлари ректорлари, жойлардаги ташкилотлар раҳбарларининг ҳамкорлиги натижаси ўлароқ, аграр соҳада таҳсил олаётган ёшлар кўпаймоқда, уларнинг билим даражаси ортмоқда. Охирги икки йил мобайнида тизимдаги олий ўқув юртларига абитуриентлардан агрономия, агроинженерия, зооветеринария, механизация ва мелиорация йўналишлари бўйича бир ўринга тушган ариза бир неча баробар ортган, ўтиш кўрсаткичлари ўртача 15-50 баллгача кўтарилган.

Соҳада Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси, Зулфия номидаги давлат мукофоти, бошқа нуфузли ташкилотлар ва алломалар номидаги стипендиялар совриндорлари бўлган талаба ва аспирантлар тобора ортаётгани кузатилмоқда.

Аспирантура ва докторантура орқали малакали илмий-педагогик кадрлар тайёрлашда ҳам ижобий ўзгаришларга эришилмоқда. Аввалги йилларда аспирантура ва докторантурага қабул режаси бажарилмай қолаётган бўлса, бу йил бир ўринга камида 2 та ариза тушгани шундан далолатдир.

— Университетимиз талабалари ҳар йили кўплаб фан олимпиадаларида ғолиб чиқиб, турли стипендиялар соҳиби бўлмоқда, — деди Тошкент Давлат аграр университети ректори Ҳасан Бўриев ЎзА мухбирига. — Мавжуд барча мутахассислик кафедраларида шахсий режа асосида иқтидорли талабалар билан иш олиб бориляпти. Бу эса уларнинг келгусидаги илмий ишларини муваффақиятли якунлашда муҳим омил бўлмоқда. Бундан ташқари 2001 йилда 10 дан ортиқ аспирант ва докторант хориждаги ўқув ва илмий марказларида малака ошириб, у ерда кўплаб илмий лойиҳаларда иштирок этиб қайтди. Ҳозир аспирант ва докторантларнинг илмий изланишларига яхшироқ шароит яратиш учун 80 дан ортиқ турли шартнома тузилган. Университетимизда, шунингдек, Яман, Афғонистон ва Хитой давлатларидан аспирант ва докторантлар муваффақиятли фаолият олиб бормоқда.

Бу борада ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас.

Маълумотларга қаратанда, 1996-2001 йиллар мобайнида олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари аспирантураларига режадаги 747 ўрнига 565 киши қабул қилинган бўлиб, 25 фоиз ўрин бўш қолган. Уларнинг 49 фоизигина ўз муддатида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Атиги 19 фоизи ўз ишини ҳимояга тақдим этган, холос.

Учрашувда соҳада мавжуд муаммоларни ҳал этиш, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан фикр-мулоҳазалар ва таклифлар билдирилди.

Беҳбуд БОТИРОВ,
Фируза ХОЛИҚОВА.

Инновация масалаларига бағишланди

Тошкент Давлат техника университетида "Инновация — 2002" еттинчи халқаро илмий-амалий анжуман бошланди. Унда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан вакиллар, хорижий мутахассислар, академиклар, фан докторлари ва номзодлари, аспирантлар, магистрлар ўз маърузалари билан қатнашмоқда.

Анжуман ёшлар муаммолари ва таълим, халқ хўжалиги тармоғида инновация жараёни, табиий минерал хомашё ва ёнилғи-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш муаммоларини ҳал этиш учун инновация технологиялари ва услублари, кон иши ва металлургия каби йўналишларни қамраб олади. Инновация маданиятини шакллантириш, олимлар, саноат ходимлари, ишбилармон ва ёшларнинг инновацион-технологик ишларини жадаллаштириш, мамлакатимиз фан ютуқларини тўплаш ва намойиш этиш, илмий-техникавий ҳамкорлик соҳасидаги халқаро алоқаларни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов иштирок этди.

Замон ЭШОНҚУЛОВ,
ЎзА мухбири.

Ёруғ йўлни топиб олдим

Ҳар бир инсон юрагида яшашга ва орзу-умидга чорлаб турувчи бир туйғу ҳукмрон бўлади. Бу фарзандлар камолини ва иқболини кўриш туйғусидир. Ҳеч бир ота-она «фарзандим бахтсиз бўлсин» деб тилак қилмайди. Зотан, бизнинг миллатимизга хос бўлган — фарзандларга нисбатан куюнчаклик замирида чексиз меҳр ётади.

— Фарзандларингиз эл олдида юзингизни ерга қаратмаслиги учун то уни тўғри йўлга солгунча, минг ўлиб, минг тириласиз, — деган эди ўн уч фарзандни тарбиялаб вояга етказган бир онахон.

Галаботир қишлоғида яшовчи Миннаввар ака билан Марҳамат опалар кенжа фарзандлари Озоджоннинг сўзларини унинг ўз оғзидан эшитар эканлар, кўзларига қуйилиб келаётган ёшларни рўмолча қатларига сув қилиб тўкар эдилар. Йўқ, азизлар, бу фақат севинч ёшлари эмас, алам ёшлари ҳам эди. Бугунги севинч ёшларига қўшилган аламлар бу икки инсон юрагига бир вақтлар тошдек ботиб ётарди. Бу аламлар тафсилотини уларнинг ўғиллари Озоджон Турсуновнинг ўзидан эшитганингиз маъқул.

Хато қаерда бўлди?

— Мен оддий қишлоқ боласиман. Оиламизда меҳр-оқибат, инсон қадри жойида. Отам наққош, онам эса ўқитувчи. Бувам эса ниҳоятда билимдон

Оғоҳлик

бўлиб, арабчани мукаммал билар, болалигимда Навоийдан, Бедилдан жуда кўплаб ғазаллар ўқиб берганини эслайман. Амакиларим ҳам адабиётга ва санъатга яқин одамлар. Хуллас, мактабни битиргач, мен сал бошқачароқ соҳани танладим, яъни Тошкент давлат техника университетининг радиоэлектроника ва автоматика факультетига ўқишга кирдим. Бунинг сабаби ҳам бор эди. Юртимиз мустақил бўлгач, замонавий технологиялар, компьютер ва ахборот коммуникациялари ҳаётимизга шиддат билан кириб келаётган эди. Ўқишни 1992 йилда битирдим ва компьютер техникаси бўйича олий маълумотли муҳандис дипломига эга бўлдим. Шундан сўнг компьютер мутахассиси сифатида ширкат хўжалигида, банкда, корпорацияда ишладим. Бу орада инглиз тилини ўрганишга киришдим, араб ёзувига қизиқиб, Қуръонни мутолаа қила бошладим. Лекин мени дин ва унинг жамиятдаги ўрни кўпроқ қизиқтира бошлади. Ҳаётимиздаги муаммолар, камчиликлар ва ортиқча урф-одатлар эътиқодсизлик туфайли рўй бермоқда, деган тушунчага ва фикрга ёпишиб олдим. Афсуски, менинг бундай фикрлашим ваҳҳобийлик оқими ғояларига мос экан. Ҳаётдаги хатоим айнан мана шу жойдан бошланган эди. Тўғрисини айтиш керак, мен бу тушунчаларни баъзи жойларда очиқ айтганимда, ҳеч ким бу ишинг нотўғри ёки тўғри деб айтмаган. Балки, кимдир тўғри йўл кўрсатганида, ҳаётимдаги адашишларим йўл бошидаёқ барҳам топармиди...

Изтиробларим

Мен ўзимни оқламоқчи ҳам, тонмоқчи ҳам эмасман. Террорчиларнинг 1999 йилнинг февраль ойидаги жиноятқорона ишларидан кейин бирдан адашганимни, мен тутган йўл катта хато эканлигини англаб қолдим. Нега дейсизми, гап шундаки, мен қон тўкилиши,

(Давоми 2-бетда).

Ирода финалга чиқди

Пусанда ўтказилаётган XIV Осиё ўйинларида ўзбекистонлик спортчилар яна учта медалга сазовор бўлди.

Оғир атлетика баҳсларида Игор Халилов 105 килограмм вазн тоифасида штангани силтаб ва даст кўтариш беллашувларида умумий ҳисобда 405 килограмм натижа билан кумуш медални қўлга киритди.

Юртимизнинг энг етакчи байдаркачиси Антон Ряхов ўз имкониятидан бироз паст натижа кўрсатди. У 1000 метр масофага ўтказилган пойгада 3.39 дақиқа кўрсаткич билан маррага учинчи бўлиб етиб келди. Каноэда эшкак эшувчи Дмитрий Коваленко эса 1 километр масофани 4.08 дақиқада босиб ўтиб, терма жамоамизга яна битта бронза медал келтирди.

Мусобақада теннисчиларимиз ҳам муваффақиятли иштирок этмоқда. Ирода Тўлаганова ярим финал учрашувида мезбон Чон Жон Кимни 3:6, 6:3, 6:2 ҳисобида мағлуб этиб финалга чиқди. Эркаклар баҳсида Олег Огородов ҳам мусобақани давом эттирмоқда.

ЎзА мухбири.

Диққат, янги рукн:

МУСТАҚИЛЛИК ВА МАЪНАВИЯТ

Янги рукнни ана шундай деб номладик. Сабаби, республикамиз мустақилликка эришганидан кейингина маънавий-маданий меросимизни ўрганиш борасида катта имкониятлар яратилди. Зеро, қадимдан то бугунимизга қадар яратилиб, эзгу ишларга хизмат қилиб келаётган бой ахлоқий ва миллий қадриятларимизни ўрганиб, халққа етказиш ёш авлодни баркамол инсонлар қилиб тарбиялашнинг асосидир. Юртбошимиз таъкидлаганидек, тилимизда азалий қадриятларимиз тўғрисида шундай сўзлар борки, уларни бошқа тилга таржима қилиб, тушунтириб бериб ҳам бўлмайди.

Биз ушбу рукнда ахлоқ, хулқ-одоб, таълим-тарбия, садоқат, ҳалоллик, қадр-қиммат каби гўзал инсоний фазилатлар, одатлар ҳақида фикр юритиш, уларнинг маънавий ва маърифий камолотдаги ўрнини улуғлаш ва буни кенг жамоатчилик эътиборига етказишга аҳд қилдик.

БУГУНГИ СОНДА

НАФСИНГГА ҲОКИМ БЎЛ! Пора билан қўлга тушганлар ҳақидаги ахборотларни ўқигандан сўнг туғилган ўйлар — 2-бет

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ — 3-4-бетлар

Ажабтовур муолажалар — 5-бет

Бир лаҳзалик «миллионерлар» пушаймони — 6-бет

Марсга баҳор келди — 7-бет

Абдулла Қаҳҳорнинг ҳаммуаллифи — 8-бет

Зарур рисола

Президент маърузаси ўрганилади

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис тўққизинчи сессиясида «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» мавзуида қилган маърузаси ҳозирги тараққиётимиз учун чуқур фундаментал аҳамиятли бир ҳужжатдир. Унда жонажон Ўзбекистонимизда юз бераётган демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг энг устувор, ҳал қилувчи йўналишлари ва тамойиллари белгилаб берилган. Худди шу боис, бу улкан дастурий мазмунли маърузанинг ҳар бир қоидаси, ундаги ҳар бир хулоса мамлакатимиз кенг жамоатчилигининг катта қизиқишига сазовор бўлди.

Ҳозирги кунда ушбу маъруза жойларда астойдил диққат-эътибор билан ўрганилмоқда. Унда қўйилган вазифаларнинг моҳиятини кенг халқ ақлидрокига етказиш, уларни ҳар бир фуқаро қалбига сингдириш – тараққиётимизни жадаллаштиришнинг муҳим омилларидан биридир. Жумладан, Президентимизнинг маърузасида илгари сурилган ғояларни халқ таълими, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида атрофлича ўрганиш ва муҳокама қилиш юзасидан муҳим чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Худди шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан «Миллий истиқлол ғояси» туркумида давлатимиз раҳбарининг юқоридаги маърузасини ўрганиш бўйича тайёрлаб, нашр этилган услубий тавсиялар ва дастур алоҳида диққатга сазовордир.

Академик Т.Рисқиев илмий раҳбарлигида, академик С.Ғуломов (гуруҳ раҳбари), профессорлар О.Салимов, Р.Қосимов, Қ.Усмонов, фалсафа фанлари доктори Қ.Назаров, тарих фанлари номзодлари М.Лафасов, Н.Озерова, илмий ходим З.Каримов томонидан тузилган ҳамда «ЎАЖБНТ» Маркази томонидан чоп этилган ушбу услубий тавсиялар ва дастурда Юртбошимизнинг маърузасида асослаб берилган тараққиётимизнинг устувор йўналишлари ва тамойиллари ўз ифодасини топган.

Рисола Президентимизнинг маърузаси матни билан очилади. Шундан кейин унда «Кириш сўзи», «Услубий тавсиялар», ниҳоят бир неча мавзуларга бўлинган «Дастур» матни берилган. Дастурга ҳар бир семинар мавзуси бўйича махсус саволлар туркуми ҳам илова қилинган.

Услубий тавсиялар ва дастурда белгиланганидек, маърузани муҳокама қилиш олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида муаммоли семинар, баҳс-мунозара, халқ таълими муассасаларида эса суҳбат тарзида амалга оширилади.

Ўйлаймизки, ушбу рисола гарчи Президентимиз маърузасини ўрганиш бўйича таълимнинг барча босқичларидаги ўқитувчилар, профессорлар ҳамда маънавият ва маърифат соҳаси фаоллари учун мўлжалланган бўлсада, лекин у ушбу маърузани ўрганишни режалаштирган барча ташкилотлар, муассасалар, корхоналар, хўжаликлардаги тарғиботчилар учун ҳам намунавий асос бўла олади.

Президент маърузаси бўйича тузилган услубий тавсиялар ва дастур ҳар бир кишини ижодий-мустақил мушоҳадага, фикрлашга чорлаши, кенг қамровли, пишиқ-пухта, малакали тайёрланганлиги билан шундай кенг тавсияга имкон беради.

М.САФАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ёруғ йўлни топиб олдим

(Давоми. Боши 1-бетда).

юртнинг эгасига қўл кўтариш, элнинг қарғишига қолиш орқали муаммоларни ечиш тарафдори эмас эдим. Динни ниқоб қилиб, уни қурол сифатида кўтарганлар ҳақида эшитсам, пайғамбаримизнинг муборак бир ҳадисларини, яъни «фитна пайтида фитнадан узоқ бўлинг» деган сўзларини дилимдан ўтказиб турардим. Начора, бандаси адашар экан-да...

Уч ой ҳибсда бўлдим, бу уч ойлик муддат ота-онамнинг юракларига отилган тош бўлди. Элимнинг, юртимнинг, ота-онамнинг олдида бошим эгилди. Виждонан айтсам, бугунги кунларни, шундай катта ўзгаришлар бўлишини олдиндан кўра билмадим. Юртбошимизнинг узоқни кўзлаб тутган сиёсатини тушунмабман. Мана шундай кунларда ўзимни ўзим минг бора койидим, пушаймон бўлдим. Мустақиллик мени ўқитди, дунёнинг замонавий компьютерларини ўрган, деб олдимга қўйди, билим олишга, дунёга чиқишга ундади. Мен эса...

Тергов кунлари Президентимизнинг «Биз кечиримли халқмиз» деган гапларини хаёлимдан минг бор ўтказар эканман, «мени кечиришармикан» деган хавотирга тез-тез тушар эдим. Мен ёшлик йўлларида хато қилганимни астойдил тан олиб, аввало ота-онамдан, Президентимиздан, элимдан кечирим сўрадим. Вазиятни тўғри баҳолай олмаганлигим, бугунги фаровонликка бир кунда эмас, йиллаб қилинган меҳнат билан етишиш мумкинлигига ишонмаганлигим, ҳар қандай муаммо ёки нуқсонларни ечишда доимо қонун устуворлиги борлигини унутганлигим мени тўғри йўлдан тойдирди, деб дадил айтдим. Ота-боболаримиз динини ўрганиш, унга ҳурмат билан қараш жарёнида ундан ўрганганларимизни элу-юртга, ота-онамизга хизмат қилишга бағишлашдан кўра дин ниқобини кийган баъзи кимсалар бизни бошқа йўлга бошлаганликларига иқрор бўлдим.

Эгилган бошни қилич кесмади

Мени суд залидан озод қилишганида яна бир бор қулоғим остида «Биз кечиримли халқмиз» деган сўзлар жаранглади. Уйга қайтар эканман, Юртбошимиз-ку кечирди, элнинг юзига, ота-онамнинг кўзига энди қандай қарайман, деган хавотирдан терга тушдим. Тасаввур қиласизми, бутун қишлоқ, ёру биродарлар сенга совуқ назар билан қараб турса. Уларнинг кўзига қарашнинг ўзи бўлмайди. Ота-онангиз давраларга қўшилолмай қолса, фарзандларингизни биров кўрганда «фалончининг боласи» деб қўлини бигиз қилиб кўрсатса, бундан ортиқ жазо йўқ. Мана шуларни ўйлаганда халқимизнинг «Эгилган бошни қилич кесмас» деган яхши бир гапи менга мадад бўлди...

Йўқ, мен ўйлаганимдек бўлмади. Бутун қишлоқ мени очиқ юз билан кутиб олди. Ҳаммасининг тилида бир гап: «Сен ақлли боласан, бир адашдинг-да, Юртбошимизга раҳмат», деб елкамга қоқишди ва бағирларига босишди. Ўзим эса қушдай енгилман. Шу тобда шундай феъли кенг элнинг бағридан чиқиб, ўзга йўлдан кетганлигимга надомат чекдим. Тўйиб-тўйиб тоза ҳаводан нафас олгим келди.

Тенгдошларимга ва ўзимдан ёш укаларимга «оғайнилар, замоннинг қадрига етайлик, илм ўрганайлик, ёт йўлларда алаҳсираб юрмайлик, элнинг юзига оёқ қўймайлик», деб ҳайқиргим келди.

Юрагимга кириб, шиоримга айланиб қолган баъзи гапларимни ўзимга такрорлайвераман: «Қийинчиликлар олдида иймонни, эътиқодни йўқотмайлик, ўзлигимизни англайлик».

Ҳаёт сабоғи

Мен Озоджон билан гаплашар эканман, унинг ниҳоятда ақлли, мулоҳазали ва тўғри сўз йигит эканлигига амин бўлдим. Начора, шундай хислатларга эга бўлиш учун ёш бўлса ҳам анча узоқ йўл босиб келди. Оқу қоранинг фарқига бориб, адашган кунларидан тўғри сабоқ чиқарган 33 ёшли бу йигит бугунги кунда илмга ва ишга чанқоқлигини намойиш этиб яшамоқда. У ҳозир Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги «Талаба» янги ахборот маркази директорининг ўринбосари бўлиб хизмат қилмоқда. Унинг ўтмишини ҳеч ким юзига солаётгани йўқ, сен ўндоқ эдинг, деб туртгани ҳам йўқ.

Яқинда Американинг Колифорния штатидаги Сакраменто шаҳри ўқув юртларидан бирининг профессори жаноб Мейер билан Интернет орқали видеоконференция ўтказилди. Тўрт соат мобайнида профессор Америкадаги солиқ тизими бўйича талабаларга дарс ўтди. Ўзбекистон томонидан монитор ёнида инглизчалаб кучли саволлар берган йигит бизнинг Озод Турсунов эди!

У мақоламиз бошида қайд этилганидек, ота-онасига шу воқеани завқ-шавқ билан гапириб бераётган пайт эди. Озоджон бугун 6 нафар фарзандининг отаси. Болаларини турмуш ўртоғи билан шу юртга, шу элга муносиб фарзандлар бўлиб етишишлари учун орзу-умидлар билан яшамоқда. У билан суҳбатимиз сўнгида шундай сўзларни, албатта, ёзиб қўйишимни илтимос қилди.

– Дунёда бугун тан олинган ахборот тизимлари, «Интернет» тармоқлари ва телекоммуникациялар улуғ бобомиз Ал-Хоразмий номи билан боғлиқ эканлигини, шундай авлоднинг фарзандлари ҳам уларнинг номига муносиб бўлишлари учун доимо тўғри йўлни танлаб олишлари керак, деб ўйлайман. Оллоҳга шукр, кеч бўлса ҳам ёруғ йўлни топиб олдим.

Оддий қишлоқ йигити Озод Турсуновнинг ўтмиши ҳаёт йўлларида адашиб юрган ёшларимизга сабоқ, унинг бугуни интилишларидан эса ўрнак олса арзийди.

Ҳамид НОРҚУЛОВ.

Янгийўл тумани пахтазорларида йиғим-терим қизғин давом этмоқда. Бутун эътибор далада-ги ҳосилни саронжомлаб олишга қаратилган. Буни кунлик суръатнинг ошиб, «оқ олтин» хирмонлари тобора юксалаётганлигида ҳам кўриш мумкин. Бу ишга фермерлар ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Айниқса, «Карим қассоб» фермер хўжалиги пахта топширишда бошқаларга ўрнак бўлмоқда. Жамоа мавжуд 20,5 гектар ердан 55 тонналик хирмон кўтариш мақсадида фидокорона меҳнат қилаяпти.

СУРАТДА: илғор теримчи Гулбаҳор Пўлатова ҳар куни 120-130 килограммдан пахта термоқда.

Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

Мустақиллик байрами арафасида Пскент туманида иш бошлаган янги корхона — "Пскент-сифат" масъулияти чекланган жамияти қисқа вақтда "Ўзпахтасаноат" уюшмаси буюртмасига биноан пахта бунтлари устини ёпиш учун минг дона брезент ёпқич етказиб берди. Корхонада кунига юзта ана шундай ёпқич тикилмоқда.

Кичик корхонанинг катта ишлари

– Мамлакатимизда брезент ёпқичларга талаб катта. Илгари бундай маҳсулот четдан олиб келинар, турли сабабларга кўра маҳсулот тақчиллиги муаммо туғдирар эди, – дейди корхона ижрочи директори Шавкат Тўйчиев. – Эндиликда брезент ёпқичлар тикиш учун хомашёни корхонамиз яқинидаги "Кенаф" Ўзбекистон — Чехия қўшма корхонасидан оляпмиз.

Бунга яна шуни қўшимча қилиш мумкинки, мазкур корхонада тайёрланаётган брезент матолар "Ўзпахтасаноат" тизимидаги корхоналарга илгари рулон ҳолатида жўнатилар, уларни бичиб-тикиш ва тайёр ёпқич ҳолатига келтириш эса талай муаммони келтириб чиқарар эди. "Пскент-сифат" масъулияти чекланган жамиятнинг фаолият бошлаши ана шу муаммога чек қўйди.

Жамият аъзолари фақат брезент ёпқич тикиш билан чекланиб қолишаётгани йўқ. Бу ерда пахта ипидан техник мато ишлаб чиқариш ҳам режалаштирилган. Шу мақсадда цехларга қирқта тўқув машинаси ўрнатилди. Улар ёрдамида йилига 500-600 минг погонметр техник мато ишлаб чиқариш, ундан эса шу ернинг ўзида тайёр иш кийимлари, қўлқоплар тикиш мўлжалланган.

Ҳозир корхонада 130 нафар йигит-қиз меҳнат қилмоқда. Жамият ҳозирда ишлаб чиқаришни хонадонларга ҳам кўчириш, улар учун зарур шарт-шароит яратиб бериш ҳаракатида. Чунки корхонага қатнаб ишлаш имконияти йўқ, аммо қўлидан иш келадиган уй бекалари, қиз-жувонлар анчагина. Корхона тўла қувват билан ишлай бошласа, ишчилар сони икки юздан ошади.

Тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесга эътибор туфайли ташландиқ ҳолатга келиб қолган автокорхона биноси ўрнида қад ростлаган корхона тобора кенгайиб бормоқда. Пахта титиш цехи, тегирмон, автосервис, қурилиш моллари дўкони очилиш арафасида. Бу эса пскентликларга қатор қулайликлар билан бирга қўшимча иш ўринлари яратиб беради.

Н. ДУШАЕВ,
ЎзА мухбири.

Кузги чақирув

«ЖАНГОВАР ҚИСМГА БОРАМАН!»

Ҳарбий хизмат ҳар бир ўғлон учун шарафли бурчдир. Зеро, Юртбошимиз иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида таъкидлаганидек, «Вояга етган ҳар бир йигит, ҳар бир фуқаро учун Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилиш ўз конституцион бурчини шунчаки адо этишдан иборат бўлмасдан, балки ҳарбий хизмат унинг учун нуфузли ва шарафли бир ишга айланиши зарур. Токи у ўзи англаб, ўзи танлаб олган мана шу ҳарбий касб эвазига ҳаётдан муносиб ўрин ва эътибор топа олсин». Шу нуқтаи назардан ҳозирда профессионал асосдаги армияни шакллантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Дарҳақиқат, армия таркибида чақирилувчиларнинг ўрни беқиёс. Шу муносабат билан мухбиримиз ҳарбий хизматга кузги чақирув ишларининг бориши билан қизиқиб, Шайхонтоҳур туманида бўлди.

Зоҳиджон АҲМАДХЎЖАЕВ, Шайхонтоҳур тумани мудофаа ишлари бўйича бўлим бошлиғи, полковник:

— Вазирлар Маҳкамасининг «Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгилангин муддатларини ўтаб бўлган шахсларни Қуролли Кучлар сафларидан захирага бўшатиш ҳамда фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида»ги қарорига асосан кузги чақирув ишлари бошланди. Ҳозирда хизмат қилишга борувчилар сони кўп, албатта. Биласизми, истовчилар кўпу афсуски, баъзан соғлиғи тўғри келмайди. Бунда улар тери касаллиги, стоматолог, руҳий касалликлар, қулоқ, бурун, томоқ ҳамда асаб касалликлари бўйича мутахассислар, сўнгра жарроҳ, терапевт шифокорлар назоратидан ўтишлари керак. Бундан ташқари, ҳарбий хизматга яроқли, деб топилган чақирилувчилар ультратовуш ва эндоскопик текширувлардан ўтказилиб, жўнатилмоқда. Бу ишлар 1-шаҳар клиник шифохонасида амалга оширилаяпти. Шу билан бирга, олий ўқув юртини тамомлаган чақирилувчиларнинг ҳарбий тайёргарликдан ўтганларини захирага ўтказиш ишлари олиб борилмоқда.

Президентимиз IX сессияда Қуролли Кучларимизни ислоҳ этиш жараёнида қилинаётган ва бундан кейин амалга ошириладиган вазифалар ҳақида тўхталиб, бизни ўз ишимизга янада масъулият билан ёндашишга ундадилар. Дарҳақиқат, бугун ҳар бир онгли фуқаро мустақиллигимизга кўз олайтираётган ғанимларга, фавқулодда ҳолатларга қарши тура оладиган армиямиз мавжудлиги, юртимиз сарҳадларининг дахлсизлиги ҳақида ўйлаши табиий. Зеро, унинг эртанги орзу-умиди, интилиши муқаддас Ватанимиздаги барқарор тинчликка боғлиқ. Биз бундан тўғри хулоса чиқариб, мамлакатимиз озодлиги ва тинчлиги йўлида армия сафига ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом, мард, матонатли ва қасамёдига содиқ йигитларни жалб қилишни ўз олдимизга мақсад қилиб олдик.

Иккинчи бўлим бошлиғи, капитан Бахтиёр Тўражонов бизни ўз кучлари билан таъмирланган чақирув-синфхонани кўришга таклиф қилди. У билан баҳорги чақирувда режа қандай қилиб 110 фоизга бажарилганлиги ҳақида суҳбатлашаётганимизда, кўккисдан эшик очилиб, икки киши кириб келди.

— Бахтиёр ака, мен, Бекзод Юсуповман. Ёшим 18 да. Комиссиядан ўтдим, соғлиғим яхши. Менга «отсрочка» кераксмас. Илтимос, жанговар қисмга жўнатинг. Ўртоқларим орасида фахрланиб юрай.

— Сиз ким бўласиз? — қизиқсиниб сўрадим ёнидаги кишидан.

— Бекзоднинг адаси — Одилбек Юсуповман. Ўзим ҳам ҳарбийман. Ёлғиз ўғлим бўлса-да, армияга боришини орзу қиламан.

...Туман мудофаа ишлари бўлимида кузги чақирилувчиларни кузатар эканман, ёшларимиздаги шижоат, қатъият менга куч бағишлади. Зеро, Ўзбекистоннинг буюк келажаги шундай ёшлар қўлидадир.

Оқил АБДУАЗИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Халқимизда «Бировнинг ҳақи» деган ибора бор. Унинг мазмун-моҳияти жуда кенг ва чуқур. Шу биргина ибора миллат маънавияти даражасини яққол кўрсатиб турибди. Ўзганинг молига, мулкига, бойлигига кўз олайтириш энг оғир гуноҳ ҳисобланади бизда. Пайғамбаримиз бундай кишиларни биздан эмас, деганлар. Алломалар айтганидек, бошқа бировнинг синиқ игнаси розиликсиз олинса, вақти келиб, у олмос ханжар бўлиб кўксига санчилгусидир. Ўзганинг ҳақидан кўрқиш, мунофиқ бўлишдан, муттаҳамлик қилишдан ўзини эҳтиёт қилиш, ўзаро рози-ризоликсиз иш тутмаслик – халқимизнинг энг гўзал хислатидир.

УНУТМАЙЛИК, текин тешиб чиқади

Пора билан қўлга тушганлар ҳақидаги ахборотларни ўқигандан сўнг туғилган ўйлар

Афсуски, ҳаёт қарама-қаршиликлардан, эзгулик билан ёвузлик ўртасидаги азалий ва абадий курашдан иборат эканлигини ҳеч бир зот инкор эта олмайди. Айтишларича, кишининг бир елкасида раҳмон, иккинчисида эса шайтон жой олган эмиш. Улардан қай бирига мойиллик билдирилса, инсон ўша йўлга йўғрилармиш. Менинг наздимда, энг жирканч иллат бўлмиш пораҳўрнинг, муттаҳамнинг ҳар икки елкасига шайтон ўрнашиб олган. У васваса қилади: «Давринг келди — сур, бегим, олиб қол, юлиб қол», деб. Натижада пешона тери билан ҳалол топилганидан кўра бел оғритмай топиладиган ҳаромни афзал билади. Халқимизда «ҳаром луқма» деган ибора ҳам бор. У одамни бузади, фикри ҳам, вужуди ҳам булғанади. Табиийки, бу ҳол наслга ўтмай қолмайди. Энг хавфлиси ҳам, энг даҳшатлиси ҳам шунда. Ҳаромхўрнинг сири очилмай қолганда ҳам ҳаётнинг ўзи уни жазолайди, касофати фарзандларига уради. Ор-номусли инсон ундан ҳазар қилади, жирканади. Биз шу руҳда тарбия топганмиз.

Матбуотда чоп этилган ахборотларда айтилишича, мамлакатимиз ҳукумати томонидан амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар йўлида тўғаноқ бўлаётган иллатлар, баъзи қўли эгри мансабдор шахслар томонидан ўз хизмат ваколатларини суиистеъмол қилиш каби қонунбузарликларга қарши кураш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан бир қатор амалий чоралар кўрилмоқда.

Аввало, соч-соқолига оқ тушган бир мўйсафид сифатида жамиятимизни нопоклардан тозалаш борасида ўтказилаётган тадбирлардан мамнун эканлигимни айтишни ўз бурчим, деб биламан. Биргина мен эмас, эл-юрт қўллаб қувватламоқда. Ўзимиздаги иллатларни ўзимиз йўқотишга бел боғлаган эканмиз, бу ҳол кучимиз-қудратимиз рамзидир. Яна ўша ахборотда айтиладики, мансабдор шахсларнинг ўз ваколатларини суиистеъмол қилиши ва порахўрлик иллатларини бартараф қилиш юзасидан республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан ўтказилаётган тадбирлар давом эттирилаётганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилади.

Қандай яхши, қандай соз! Бундай деятеланимнинг боиси шундаки, кейинги пайтларда катта-кичик идораларда ўтирган мансабдорларгина эмас, балки айрим оддий ижрочи ходимларда ҳам тама деган лаънати иллат хийла илдиз отди. Қисқа муддатда битадиган ишингиз кунлаб галга солинар экан, эрта келинг, индин келинг, дедими, билингки, бу очофат бир нарсанинг илинжида. Билингки, худодан қўрқмаганлар, бандасидан уялмаганлар шундай ношарди? Алҳазар, алҳазар!

Пул ҳар нарсага қодир, деб ўйлайдиганлар пул учун ҳеч бир нарсадан тап тортмайдилар. Олди-сотди соҳа борки, мойламасанг, бўлмайди, дейишади баъзилар. Соғлиқни сақлаш

Муносабат

тизимига қарашли баъзи муассасаларда эса қўлга қараб туриш одатий ҳолга айланган. Қаранг, пора олаётганда ашёвий далиллар билан ушланганлар орасида Тошкент шаҳар ҳокимияти биноларидан фойдаланиш департаментининг Яккасарой тумани бўлими бошлиғи Зокир Очилов, С.Раҳимов тумани товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси Шуҳрат Тўхтаев ва бошқалар бор. Наҳотки, улар билмасалар пора олганнинг жойи — жаҳаннам эканлигини. Эндиликда улар икки дунёсини ҳам куйдирган кимсалардир.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, қамчиликларни— камчилик, жиноятни — жиноят, хиёнатни — хиёнат, деб ҳамма нарсани ўз номи билан аташ том маънодаги демократик жамият матбуотининг ҳақиқий қиёфасини белгилаб беради. Ҳамма қатори юқоридаги иллатлар фош этилган хабарларни ўқидим. Ҳам қувондим, ҳам афсусландим. Қувончим боиси шундаки, жамиятни тозалаш, муҳитни соғломлаштириш борасида қатъий чоралар кўрилаяпти. Надоматим шундаки...

Бир ўғил отасидан сўрабди:

— Мен қачон ақлли ва мард бўлишим мумкин?

Ота бироз хаёл сурибди, ўйлаб туриб, шундай жавоб берибди:

— Нафсингга ҳоким бўлганингда!

Машойихларнинг айтишларича, барча ёмонликлар бир сандиққа яширилган, унинг калити нопок бойликка бўлган ҳирсдир.

Матбуотда порахўрлик каби иллатлар фош этилган дастлабки икки ахборотни ўқиганимда, шу нопок ишлар устидан бўладиган судларнинг ҳукмини ҳам албатта жамоатчиликка билдириш керак, деган мулоҳаза пайдо бўлган эди. Буни қарангки, ҳали фикрларимни жамлаб, қоғозга туширишга улгурмасимдан ўйлаган ниятим амалга ошди. Шундай ахборот эълон қилинди. Унда айтилишича, жиноят устида қўлга олинган мансабдор шахслар суд ҳукми билан тегишли жазога тортилмоқдалар. Чунончи, республика Ногиронлар жамияти раиси ўринбосари Тошпўлат Жўраев ўн йил, Самарқанд вилояти Боғишамол туман ҳокимининг ўринбосари А.Абдуҳамидов 8 йил, Тошкент вилояти Оҳангарон шаҳар ҳокимияти якка тартибда уй-жой қурилишини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Фахриддин Ужобов 7 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Халқимиз «Текин бир кунмас бир кун тешиб чиқади», деб бекорга айтмайди.

Буёғи қандай бўлди, деган ўй-хаёллар билан равонда ўтиргандим, дераза аста чертилди. Қарасам, ён қўшнимиз Собиржон. Ҳа, десам:

— Кўчага экқан беҳингиздан икки донаси ерга тушиб ётган экан, рози бўлсангизлар, ош қилмоқчи эдим, шуларни олсам, — деб сўраяпти.

Яширмайман, юрагим сиқилиб турган эди, бирдан кўнглим ёришиб кетди. Аслида кўчадаги дарахтларнинг меваси, асосан, кўчадагилар учун. Ўтган-кетганнинг озми тегсин, деган ниятда парваришланади. Тагида тўкилиб ётган экан, Худо етказди, деб олиб кетиши мумкин эди. Лекин Собиржон ундайлардан эмас, шу арзимас нарса учун ҳам унинг эгаларидан розилик олгани атайлаб ҳовлимизга кирибди. Отасига раҳмат, шундай инсонлар борлиги учун.

Мойламасанг, арава ҳам юрмайди, деган ибора шўролар даврида пайдо бўлди. Ўша мудҳиш даврнинг кўп касофатларидан мустақилликка эришганимиздан сўнг покланаяпмиз, ўзимизнинг кўп асрлик маънавиятимизга тўғри келмайдиган иллатлардан холи бўлиб бораяпмиз, ўзлигимизга қайтаяпмиз. Илло, айтиш керакки, бу жараён осон кечмаяпти.

Давлат идоралари жамият манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида, худди тараққий топган демократик мамлакатларда бўлганидек, амалга оширилаётган ишлардан жамоатчилигимизни мунтазам хабардор қилиб бормоқда. Бунинг аҳамияти бениҳоя катта. Аввало, у жамиятдаги ҳаётни соғломлаштиради, нопок кимсалардан тозаланамиз. Энг муҳими эса, шундай ярамас ишларни режалаштираётган ёки хаёл қилаётган лавозим эгаларини ҳушёр торттиради, тийилишга ундайди. Ваниҳоят, кишиларда жиноят жазосиз қолмаслигига ишончни мустаҳкамлайди.

«Эл ишониб топширган вазифани суиистеъмол қиладиган, — деб таъкидлаган эди Юртбошимиз, — шахсий манфаатини халқ ва давлат манфаатидан устун биладиган, ўзига ортиқча бино қўйиб, барчанинг нафратини қўзғатадиган раҳбарлар билан асло келиша олмаймиз».

Миллатимиз тарихига кўз ташласангиз, ўзгалар ҳайратда қоладиган кўплан-кўп ажиб мисолларга дуч келасиз.

«Мен дунёни кезиб, бундай одамлардан кўра эзгу хулқли кишиларни кўрмадим... Уларга тобе жойларда адолат расми шундай ривожланганки, уларнинг лашкаргоҳлари, хоналарида олтин ва кумуш тангалар ерга сочилиб ётади ва эгаси топилмагунча ҳеч ким бу пулларга тегмайди.»

Ушбу сатрлар XIII асрда яшаб ўтган араб сайёҳи Ибн Баттутанинг «Сафарнома» китобидан олинган. Биз тенгсиз маънавий камолотга эришган кишиларнинг авлодимиз. Буни ҳамиша ёдда тутайлик, азизлар.

Исмоил СУЛАЙМОНОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, «Нуроний» жамғармаси марказий кенгашининг бош мутахассиси.

XIV. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган **"Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида"**ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, №5, 87-модда) **17-моддаси:**

биринчи қисмининг иккинчи жумласидаги "унинг ушбу Қонунда назарда тутилган вазифаларни амалга ошириш борасидаги харажатларини қоплаш учун" деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Патент божларининг миқдори ва уларни тўлаш муддатлари, уларни тўлашдан озод қилиш, тўловларнинг миқдорини камайтириш ёки уларни қайтариб бериш асослари, шунингдек патент божларидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади".

XV. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августда қабул қилинган **"Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида"**ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, №9-10, 178-модда) **33-моддаси:**

биринчи қисмининг иккинчи жумласидаги "унинг ушбу Қонунда назарда тутилган вазифаларни бажаришга доир харажатларини қоплаш учун" сўзлари чиқариб ташлансин;

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Патент божларининг миқдори ва уларни тўлаш муддатлари, уларни тўлашдан озод қилиш, тўловларнинг миқдорини камайтириш ёки уларни қайтариб бериш асослари, шунингдек патент божларидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади".

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 30 август.

Буклаш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари

2002 йил

Кирқиш чизиғи

20-модда, №5, 124-модда, №9, 229-модда; 2000 йил, №5-6, 153-модда; 2001 йил, №1-2, 23-модда, №5, 89-модда, №9-10, 182-модда; 2002 йил, №1, 20-модда) **66-моддасининг иккинчи қисми** "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан жисмоний шахслар учун божхона тўловларини ундиришнинг соддалаштирилган тартиби белгиланган ҳоллар бундан мустасно" деган сўзлар билан тўлдирилсин.

X. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, №9, 234-модда; 1998 йил, №5-6, 102-модда; 2001 йил, №1-2, 11-модда):

1) **17-моддаси биринчи қисмининг 2-банди** "прокурор" деган сўздан кейин "суд мажлиси котиби" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **18-моддасининг номи ва биринчи қисми** "эксперт" деган сўздан кейин "суд мажлиси котиби" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) **20-моддасининг биринчи қисми "**эксперт" деган сўздан кейин "суд мажлиси котиби" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) **21-моддасининг бешинчи қисми** "эксперт" деган сўздан кейин "суд мажлиси котиби" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

5) **ўзбекча матни 82-моддаси биринчи қисмининг 1-бандидаги** "ҳал қилув қарори қабул қилгунга қадар" деган сўзлар "қарор қабул қилингунга қадар" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **ўзбекча матни 87-моддасининг тўртинчи қисмидаги** "қарори" деган сўз "ажрими" деган сўз билан алмаштирилсин;

7) **88-моддаси** қуйидаги мазмундаги **9-банд** билан тўлдирилсин:

"9) даъвогар унинг манфаатларини кўзлаб прокурор томонидан тақдим этилган даъводан воз кечган бўлса";

8) **126-моддаси иккинчи қисмининг 3-банди** "эксперт" деган сўздан кейин "суд мажлиси котиби" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

9) **134-моддаси иккинчи қисмининг 2-банди** "суд таркиби" деган сўзлардан кейин "суд мажлиси котиби" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

10) **138-моддасининг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Ҳал қилув қарорининг кириш қисмида уни қабул қилган хўжалик судининг номи, суд таркиби, суд мажлиси котиби, ишнинг тартиб рақами, иш кўрилган сана ва жой, ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи, низо предмети, мажлисда ҳозир бўлган шахсларнинг фамилиялари ва ваколатлари кўрсатилади";

11) **149-моддасининг бешинчи қисмидаги** "шикоят

Буклаш чизиғи

қилиниши" деган сўзлар "шикоят қилиниши (протест келтирилиши)" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) **150-моддасининг:**

биринчи қисми "хўжалик суди ишда иштирок этувчи шахснинг" деган сўзлардан кейин "ёки суд ижрочисининг" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

учинчи қисмидаги "шикоят қилиш" деган сўзлар "шикоят қилиш (протест келтириш)" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) **151-моддаси иккинчи қисмининг 1-банди** "суд таркиби" деган сўзлардан кейин "суд мажлиси котиби" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

14) **156-моддасининг номи** ва **матнидаги** "шикояти бериш", "шикояти беришга" деган сўзлар тегишли келишикдаги "шикояти бериш (протести келтириш)" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15) **157** ва **158-моддаларининг номи** ва **матнидаги** "шикоятини", "шикояти" деган сўзлар тегишли келишикдаги "шикояти (протести)" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

16) **159-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"159-модда. Апелляция шикоятининг (протестининг) мазмуни

Апелляция шикоятида (протестида) қуйидагилар кўрсатилиши керак:

1) шикоят (протест) йўлланган хўжалик судининг номи;

2) шикоят бераётган (протест келтираётган) шахснинг номи;

3) устидан шикоят берилаётган (протест келтирилаётган) ҳал қилув қарорини қабул қилган хўжалик судининг номи, ишнинг тартиб рақами ва ҳал қилув қарори қабул қилинган сана, низонинг предмети;

4) шикоят бераётган (протест келтираётган) шахснинг талаблари ва ҳал қилув қарорини нотўғри деб ҳисоблашининг асослари, бунга далил бўлган қонун ҳужжатлари ҳамда иш материаллари;

5) шикоятга (протестга) илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати.

Апелляция шикояти шикоят бераётган шахс ёки унинг вакили томонидан, апелляция протести эса прокурор томонидан имзоланади. Вакил томонидан имзоланган шикоятга унинг суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш ваколатини тасдиқловчи ишончнома, агар у аввал шу иш бўйича берилмаган бўлса, илова қилинади.

Шикоятга (протестга) шикоят (протест) нусхалари ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга юборилганлигини тасдиқловчи далиллар илова қилинади. Бундан ташқари шикоятга давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи далиллар ҳам илова қилинади";

17) **160-моддасининг номи** ва **матнидаги**, **161-моддасининг номи** ва **биринчи қисмидаги** "шикоятининг", "шикояти", "шикоятнинг" деган сўзлар тегишли келишикдаги

Кирқиш чизиғи

энг катта ҳажми ва эълон қилиш муддати таҳририят уставида (низомида) ёки таъсис шартномасида белгиланадиган хабарни ёки реклама тусида бўлмаган материални ўз номидан бепул жойлаштириш;

оммавий ахборот воситаси тугатилган ёки оммавий ахборот воситасининг фаолияти тугатилган тақдирда кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинганидан кейин қолган мол-мулкнинг бир қисмини ёки унинг қийматини қўшган мулкий улушига мувофиқ қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда олиш.

Муассис қуйидагиларни бажариши шарт:

оммавий ахборот воситасининг уставини (низомини) тасдиқлаш;

оммавий ахборот воситаси таҳририяти билан шартнома тузиш;

оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни таъминлаш.

Муассис цензурани амалга оширишга, рецензиядан ўтказишга ёки таҳририятнинг ижодий фаолиятига аралашишга, шунингдек оммавий ахборот воситасининг ишлаб чиқарилиши ва тарқатилиши масалаларига аралашишга ҳақли эмас, таъсис шартномасида ёки уставда (низомда) назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ муассис бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

11[4]- модда. Муассис ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг тугатилиши

Муассиснинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари қуйидаги ҳолларда тугатилади:

оммавий ахборот воситаси учинчи шахс фойдасини кўзлаб бошқа шахсга ўтказилганда;

муассис – юридик шахс банкротга учраганда ёки тугатилганда;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотганда;

қасддан содир этган жинояти учун суд ҳукми билан судланганда;

вафот этганда.

Муассиснинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳолларда ҳам тугатилиши мумкин";

5) **12-моддасининг**:

иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги **жумла** билан

Буклаш чизиғи

га кўра фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи, атроф муҳит хавфсизлигини, табиий ресурслар сақланишини таъминлаш талабларига риоя этган ҳолда чиқиндиларни ер остига кўмиб ташлашга йўл қўйилади.

Чиқиндиларни қайта ишлаш, уларни полигонларда кўмиб ташлаш ва сақлаш табиатни муҳофаза қилиш давлат органларининг рухсати билан амалга оширилади.

46-модда. Экологик сертификатлаш

Экологик ёки гигиеник сертификатларга эга бўлмаган, шунингдек уларда белгиланган талаб кўрсаткичларидан четланган ҳолда хом ашё ва материаллардан фойдаланиш, технология жараёнларини жорий этиш ҳамда тайёр маҳсулотлар (шу жумладан озиқ-овқат маҳсулотлари) чиқариш тақиқланади. Экологик сертификатлаш қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ҳам ўтказилади.

Экологик сертификатлаш тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайди".

II. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майда қабул қилинган **"Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида"**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, №5, 136-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, №4-5, 74-модда) **9-моддасининг саккизинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"ЭҲМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базаларини рўйхатга олиш ҳамда ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларидан фойдаланишга бўлган мулкий ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатга олиш билан боғлиқ юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни бажарганлик учун патент божлари ундирилади. Патент божлари Патент идорасига тўланади. Патент божларининг миқдори ва уларни тўлаш муддатлари, уларни тўлашдан озод қилиш, тўловларнинг миқдорини камайтириш ёки уларни қайтариб бериш асослари, шунингдек патент божларидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади".

III. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотно-

Кирқиш чизиғи

дир этилган тақдирда – давлат солиқ органларининг, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг мансабдор шахслари томонидан";

7) **288-моддасининг учинчи қисмидаги** "164-моддасининг иккинчи қисмида" деган сўзлар "164-моддасининг учинчи қисмида" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **289-моддасининг учинчи қисми** "солиқ органларининг" деган сўзлардан кейин "Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

9) **290-моддасининг учинчи қисми** "Божхона қоидалари" деган сўзлардан кейин "ёки солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

10) **291-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **"д" банди** билан тўлдирилсин:

"д) ушбу Кодекснинг 164, 166, 167, 168, 172, 173, 176, 186[1]-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилганда – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг мансабдор шахслари томонидан".

VI. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 1-сонга илова; 1997 йил, №2, 65-модда; 1998 йил, №5-6, 102-модда, №9, 181-модда; 1999 йил, №1, 20-модда, №5, 112 ва 124-моддалар, №9, 229-модда; 2001 йил, №5, 89-модда, №9-10, 182-модда) **153-моддасининг иккинчи қисмидаги охирги жумла** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Меҳнат ҳақини натура шаклида тўлаш тақиқланади, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланган ҳоллар бундан мустасно".

VII. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда ҳамда 1996 йил 29 августда қабул қилинган қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова; № 11-12; 1997 йил № 2, 56-модда № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил. № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда) **762-моддаси:**

учинчи қисмидаги «омонатчи талаб қилиши биланоқ»

Буклаш чизиғи

учинчи ва **тўртинчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

тўртинчи қисмидаги "қабул қилганда" деган сўзлар "қабул қилса ёки протест чақириб олинса" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

21) **166-моддасининг иккинчи қисмидаги**, **167-моддасининг номи** ва **матнидаги** ҳамда **168-моддасининг 1-бандидаги** "шикоятида", "шикоятини", "шикояти", "шикоятни" деган сўзлар тегишли келишикдаги "шикояти (протести)", "шикоят (протест)" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

22) **171-моддасининг:**

биринчи қисмидаги "шикоятини" деган сўз "шикоятини (протестини)" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг:

1-банди "суд таркиби" деган сўзлардан кейин "суд мажлиси котиби" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2, 5 ва **9-бандларидаги** "шикояти", "шикоятини" деган сўзлар тегишли келишикдаги "шикояти (протести)" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисмидаги "шикоят қилиш" деган сўзлар "шикоят қилиш (протест келтириш)" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

23) **172-моддасининг:**

номидаги "шикоятлари" деган сўз "шикоятлари (протестлари)" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмидаги "шикоят қилиниши" деган сўзлар "шикоят қилиниши (протест келтирилиши)" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги "шикоятлари", "шикоятларини" деган сўзлар тегишли келишикдаги "шикоятлари (протестлари)" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

24) **197-моддаси биринчи қисмининг иккинчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Хўжалик судининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорига ва қарорига протест келтириш тўғрисидаги ариза иш апелляция ёки кассация инстанцияси судида кўрилганидан кейин берилиши мумкин";

25) **215-моддасининг тўртинчи қисмидаги**, **216-моддасининг учинчи қисмидаги**, **217-моддасининг бешинчи қисмидаги** "шикоят қилиш" деган сўзлар "шикоят қилиш (протест келтириш)" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

26) **218-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларидаги** "Ижро варақаси", "Ижро варақасида" деган сўзлар тегишли келишикдаги "Суд ҳужжати (ижро варақаси)" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

XI. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган **"Оммавий ахборот воситалари тўғри-**

Кирқиш чизиғи

Мустақиллик ва маънавият

ОДАТЛАР

Ҳар бир халқда одат, урф, расм-русум, анъана сўзлари (албатта, ўз тилларида) ишлатилганидан, улар умуминсоний маънога эга. Аслида бу сўзларнинг мағзи битта, у ҳам бўлса одатдир.

Одат тушунчасининг моҳиятини қуйидагича таърифлаймиз: шахс, жамоа ёки жамият ўз турмуш тарзида қабул қилиб олинган йўл-йўриқ, қоида-тартибот, ақида, мойиллик ва тамойилликнинг сақланиб қолиши, ўрганиб қолишлик одат деб аталади.

Одат фақат шахсий ёки фақат жамиятники бўлиб қолавермайди. Масалан, маълум одат шахсий экан, шахс ижтимоий моҳиятга эга бўлганидан, у одат жамоа ёки жамият аҳамиятига ҳам эгадир. Шунингдек, аксинча – жамоа ва жамиятдаги умумийроқ ёки умумий одатлар, ўз навбатида, шахсларга ҳам таалluқли бўлади.

Одатларни шартли равишда шахсий, жамоа ва жамият одатларига бўлсак, янада аниқлик киритилади. Уларнинг ҳар бири яхши ва ёмон хусусиятлари билан жорий бўлади.

Шахснинг ўз ҳаётидаги одатларидан яхшилари: чаққонлик, зийраклик, ғайратлилик, жиддийлик, журъатлилик, ҳафсалалик, сабр-тоқатлилик; ёмонлари: лапашанглик, дангасалик, жаҳллилик, чидамсизлик, анқовлик, ялқовлик.

Шахснинг одамлар орасидаги, жамоа ичидаги одатларидан яхшилари: одоблилик, ахлоқлилик, тартиблилик, самимийлик, меҳрибонлик, ўнг қўл билан овқатланиш ва пиёла, коса узатиш, эрни сизлаш, келин салом, мажбуриятлилик, ҳаёлилик, диёнатлилик, ташаббускорлик, халқпарварлик, ватанпарварлик. **Ёмонлари:** ҳунук қилиқлилик, такаббурлик, жизғанақлик, таъмагирлик, ҳасадгўйлик, чақимчилик, нолишлик, кек сақлаш, жанжалкашлик, хиёнатга мойиллик, ватангадолик. Шунингдек, кекириш, тиш ковлаш, ҳунук овқат ейиш, бақириш, қўрслик, ухлаб ўтириш ва ҳоказолар. Яна, гапираётганда «анақа», «айтайлик», «нега деса», «нима дейди» каби ортиқча ва ёпишмайдиган сўзларни ишлатишга одатланиб қолиш. Бундай ўрганиб қолинган ярамас қилиқлар гоҳо-гоҳо тасодифан кўриниб қоладиган бўлса майли эди-я, гап уларнинг одат тусига ўтиб қолганлигидадир. Улар жамият турмуш тарзининг гўзаллигига путур етказади.

Жамият одатлари: Абу Райҳон Беруний таъбирича, ҳар бир халқнинг умумий одатлари бўлади. Улар а) асосан бир тилда гаплашиш, б) умуман бир динда бўлиш, в) умумий урф-одатларга эга бўлиш.

Бу одатларни айрим шахс тарк этиши мумкин, лекин бутун бир халқ улардан воз кеча олмайди.

Юқорида айтилган энг умумий одатлардан ташқари жамиятнинг маълум урф-одатлари бордир. Улар: анъана, расм-русм ва удум. Булар, баъзан бир-бирининг ўрнида ишлатилади. Шу билан бирга уларнинг орасида маълум фарқ йўқ эмас. Масалан, анъана жамиятда бошқаларига нисбатан кенгроқ ва чуқурроқ мавқега эга. Расм-русмлар торроқ, юзакироқ ва ўткинчироқ. Удум эса – кескин, мажбур бўлмаган одатлардандир, десак бўлади.

Умумжамият одатларининг ҳам ижобий ва салбий томонлари бор. Масалан, **Ўзбекистондаги яхши анъаналар:** ҳашар, каттага кичикнинг ҳурмати; маъракаларда кўпчиликнинг қатнашиши; кўчада дарҳол отдан, машинадан тушиб тобут кўтариш; тўй-маъракаларга ёшига қараб кириб боришлар ва жой олиш; ўтганлар ҳақида ёмон гапирмаслик ва ҳоказо. **Салбий урф-одатлар:** тўй ва маъракаларни дабдабали ўтказишга мойиллик ва исрофгарчилик, меъёридан ортиқ сарпо-суруқлар, тоғора-ю, ноғоралар, сендан мен ўзаман қабилида ҳаддан ошиш ва ҳоказолар. Яна, гапираётганда «анақа», «айтайлик», «нега деса», «нима дейди» каби ортиқча ва ёпишмайдиган сўзларни ишлатишга одатланиб қолиш. Бундай ўрганиб қолинган ярамас қилиқлар гоҳо-гоҳо тасодифан кўриниб қоладиган бўлса майли эди-я, гап уларнинг одат тусига ўтиб қолганлигидадир. Улар жамият турмуш тарзининг гўзаллигига путур етказади.

Маросимлар, расм-русмлар бир мамлакатнинг турли жойларида ҳар хил бўлиши мумкин.

Яхши, ижобий урф-одатлар, анъаналар, расм-русумлар, удумлар – шахснинг, халқнинг, жамиятнинг маънавий қадриятларидир. Ёмонлари, салбийлари – ҳаммага зарардир.

Одат, хотира ва эслаб қолиш. Одатларни сақлаб қолиш воситаси хотирадир. Абу Наср Форобийнинг ёзишича, қадимги замонда Платон тарихий воқеаларни, урф-одатларни ёзмасдан ёдда сақлаб қолишни расм қилган ва бошқаларга шундай қилишни тавсия этган. Лекин у ҳамма нарсани ёдлаш мумкин эмаслигига иқрор бўлиб, ёзиб олиш ва келгуси авлодларга қолдириш керак эканлигини зарур деб топган экан. Форобий яна ўз фикрини айтади: тажриба, машқ, маҳорат мантиқ қонунларининг ўрнини эгаллай олмайди; улар хотирлаш шароитларидир, холос.

Одатларни сақлаб қолиш – эсдан чиқазмасликдир. Бу ҳақда Абу Райҳон Беруний ёзади: «вақтнинг кўпроқ ўтиши ва авлодлар ҳаётидаги воқеаларнинг кўпайиши эсдан чиқаришнинг кўпайишига олиб келади», «хотира билимдир», «одат – бу хотирадир».

Ибн Сино фикрича: «ўйлашнинг негизида хотира кучи ётади», «фикрлашнинг хазинаси хотирадир», «хотира кучи бор экан, бошқа вақтда эслаш мумкин бўлади», «эслаб қолиш ахборотни тўла сақлаб қолишга кафолат бера олмайди». Демак, бир вақтлардаги урф-одатлар, расм-русмлар, удумларнинг баъзилари эсдан чиқиб кетган бўлиши мумкин.

Ўтган замондаги одатларни ҳозир жорий қилиш учун, аввало, уларни тасаввур доирасида гавдалантириш керак. Бу ишни бошқарувчи табиат воситаси қадимдан мавжуд. Керакли нарсани кўриш учун кўз қорачиғи қандай айланса, эслаш кучи ҳам шундай йўналтириладики, ниҳоят хотира изи топилади ва тасаввур тикланади. Бунинг ҳаммаси тафаккурнинг керакли одатни қидирувчи кучидир.

Одатнинг барқарорлиги ва ўзгариши. Одат, асосан, ёшликдан бошланади. Уйдаги оилавий муҳит ва анъаналар, урф-одатлар, расм-русмлар, удумлар боланинг тарбиясига таъсир қилмай қолмайди. Одатланиш ҳам тарбиянинг муҳим қисмидир. Боғчада ташқи муҳит одатлари қўғирчоқлару ўйинчоқлар, ашулалару рақслар, афсонаю ҳикоялар мисолида болага ўта бошлайди. Мактабда ўтириш тартиби, жимлик, савол-жавоб, миянинг махсус ишлай бошлаши, интизомли ҳаёт, ижтимоий жавобгарлик янги, энди фикран чуқурроқ одатларга йўллайди. Маҳаллада кўпроқ одоб, ахлоқ, ижтимоий ҳаётнинг дастлабки тартиботларига одатланиш рўй беради. Буларнинг ҳаммаси бола учун ҳар гал янги одат бўлиб, уларга бўйсунишга даъват қилади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, юқоридаги ташқи муҳитдан ҳосил бўлган одатлардан ташқари, генетик сабаблар ҳам йўқ эмас. Ота-онанинг одатларига мойил генлар ва она қорнидаги тарбиявий шароит чақалоққа ўз таъсирини кўрсатиши мумкин. Демак, одатлар аждоддан авлодга ўтишининг ўзи табиий одатдир, барқарорлик тимсолидир.

Одатларни ушлаб турадиган ҳам, ўзгартирадиган ҳам, асосан, замон. Замонлар ўтиши билан жамиятлар ўзгаради. Жамиятнинг янгиланиши урф-одатлар ва расм-русмларни саралашни талаб қилади. Энди, шу вақтгача ҳукм суриб келаётган одатларнинг баъзиларини сақлаб қолиш ва янгиларини қабул қилиш лозим бўлади. Мисол тариқасида айтиб ўтишимиз мумкин: собиқ совет даврида одат тусига кириб қолган тоталитар тизим, ташаббускорсизлик, боқимандалик, иш ҳақининг тенглаштирилгани, жанозани бекитиқча ўқиш каби тартиблар мустақиллик шароитида ўз кучини йўқотди. Энди, аввало, ўзимизнинг аждодларимиздан қолган ижобий мерослар, умуминсоний қадриятлар ва бозор иқтисодиётига асосланган янги урф-одатлар, расм-русмлар жой олиши керак.

Одатлар инерцияси. Урф-одат ва расм-русумларнинг абадий сақланадиганлари кам. Амалиётда, турмушда, ҳаётда одатлар кўпинча эскириб қолади. Янги ижтимоий муҳит, янги вазият ўзига мос одатларни ярата бошлайди. Лекин эскиликдан янгиликка ўтиш осон бўлмайди. Бу зиддиятли жараёнда янгилик, баъзан, катта куч, жонбозлик ва ҳатто янги фикрлашни талаб қилаяпти. Бу эса, эски одатлардан янги одатларга ўтиш демакдир.

Илмда ҳам эски ва янги одатлар бор: Эски тафаккур инерцияси фанда ҳам мавжуд. Илмий ғоялар, назариялар ва тамойиллар олами янгиликлар билан бой. Лекин янгилик қанча кўпроқ муҳим бўлса, унга қаршилик, инерция шунча катта бўлади. Бу кураш жараёнида янгиликнинг ғалабаси, баъзан, анчагина вақтдан кейин аниқланади. Тўқинитўққа, пучини-пучга чиқариш воситаси амалиёт ва ақл-заковатдир. Лекин Ибн Сино эътироф этадики, баъзан «ақл-заковат ҳам ўрганиб қолганини танлайди».

Илмий янгилик осонгина қабул қилинмайди ва тўппа-тўғри жорий этилавермайди. Одат бўлиб қолган илмий фикрлар, назариялар, йўналишлар, моделларга ўрганиб қолган олимлар кўпинча янгиларига жой бўшатиб беришга қаршилик кўрсатади. Таниқли олим М.Планкнинг айтишича «Одатда янги илмий ҳақиқатни дарров эътироф этишавермайди. Ва кўпинча шундай бўладики, қаршилар оламдан ўтиб кетганидан кейингина янги олимлар уларни қабул қиладилар». М.Планкнинг илмий тақдири ҳақида эса А.Пуанкаре шундай ёзган: «Планкнинг янги гипотезаси анчагина қаршиликка учради. Бу қаршиликнинг сабаби – ўзининг одатларини ўзгартиришни хоҳламаган бизнинг ақл-заковатимизнинг ялқовлигидир». Д.Пойа давом эттиради: «Тафаккуримизнинг инерцияси ҳаддан ошиқки, бизнинг онгимиз қачонлардир қабул қилган йўлдан четга чиқиши мушкулдир, ваҳоланки, бу эски одатни ўзгартиришни ҳозирги замон талаб қилаяпти».

Илгари табиатдан мумкин қадар кўпроқ фойдаланиш керак, деган ғоя одат тусига кириб қолган эди. Бу одатнинг ҳукмронлиги шундай натижага олиб келдики, Ер сайёрамизнинг ҳарорати зарарли равишда ошиб бормоқда. Сувдан оқилона фойдаланмаслик одатининг салбий тақдири экологик муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Орол денгизи фожиаси ҳам шу жумладандир.

Истиқболимизда истиқлолимиз абадий одат бўлиб қолсин. Жамиятда қабул қилинган сиёсий тамойиллар ҳам одат тусида эди. Собиқ совет жамиятида Ўзбекистон бошқа мамлакатга қарам эди. Энди мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, Оллоҳга шукурки, янги одат тарзида амалга ошмоқда.

Талаб ва таклиф қоидасига бўйсинтирмайдиган эски иқтисодий одатдан бозор тамойили одатига ўтиш муҳим воқеа бўлмоқда. Бу янги уеулнинг мақсади жамият турмушида ташаббус, интилиш, адолат, унумли меҳнат, халқ-ҳаракат, конкуренция, бойиш ва бойитишдир.

Илгарилари илмий ходимларнинг иш ҳақи, асосан, маош билан ўлчанар эди. Маҳсулот берганлари ҳам, бермаганлари ҳам бир хил иш ҳақи олишар эди. Энди, улар, асосан, грант тизими асосида иш ҳақи олишга ўтишяпти. Мақсад – олимлар меҳнатининг унумдорлигини ошириш.

Маънавиятимиз соҳасида ҳам бир қанча эски одатлардан воз кечилмоқда, янгиларини ривожлантирилмоқда. Атеизм ўз кучини йўқотди. Энди, материализм билан бир қаторда идеализм, илоҳий фанлар ҳам ривож топмоқда.

Истиқлолимиз – ҳам модий, ҳам маънавий бойлигимиз. Эскирган, зарарли одатларимиздан воз кечайлик, янги, фойдалиларини ривожлантириб борайлик.

Омонулла ФАЙЗУЛЛАЕВ,
профессор.

"шикояти (протести)", "шикоят (протест)" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

18) **162-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"162-модда. Апелляция шикоятини (протестини) қайтариш

Судья апелляция шикоятини (протестини) қуйидаги ҳолларда қайтаради:

1) апелляция шикояти (протести) имзоланмаган ёхуд уни имзолашга ҳуқуқи бўлмаган шахс ёки мансаб мавқеи кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса;

2) апелляция шикоятига (протестига) унинг нусхалари ишда иштирок этувчи шахсларга жўнатилганлигини тасдиқловчи далиллар илова қилинмаган бўлса;

3) давлат божи белгиланган тартибда ва миқдорда тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар апелляция шикоятига илова қилинмаган бўлса, қонунда давлат божини тўлаш муддатини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти назарда тутилган ҳолларда эса, бу ҳақда илтимоснома берилмаган ёхуд илтимоснома рад этилган бўлса;

4) апелляция шикояти (протести) белгиланган муддат ўтганидан кейин берилган бўлса ва унда ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисида илтимоснома бўлмаса;

5) ишда иштирок этувчи шахсларга апелляция шикояти (протести) иш юритишга қабул қилингани тўғрисидаги ажрим юборилгунга қадар шикоятни (протестни) берган шахсдан уни қайтариш тўғрисида ариза тушган бўлса.

Апелляция шикоятини (протестини) қайтариш тўғрисида ажрим чиқарилади.

Апелляция шикоятини (протестини) қайтариш тўғрисидаги ажрим устидан кассация шикояти бериш (протести келтириш) мумкин.

Шикоят берган (протест келтирган) шахс ушбу модданинг биринчи қисмидаги 1, 2, 3-бандларда кўрсатилган ҳолатлар бартараф этилганидан кейин хўжалик судига апелляция шикояти (протести) билан умумий тартибда яна мурожаат қилишга ҳақли";

19) **163-моддасининг номи** ва **матнидаги** "шикоятини" деган сўз "шикоятини (протестини)" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

20) **165-моддаси:**

номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"165-модда. Апелляция шикоятидан воз кечиш. Протестни чақириб олиш";

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

"Протест келтирган прокурор, шунингдек юқори турувчи прокурор суд мажлиси бошлангунча протестни чақириб олишга ҳақли. Протест чақириб олингани ҳақида ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилинади";

Буклаш чизиғи

деган сўзлар «омонатчининг талаби билан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Банк омонати шартномасининг фуқаро омонатни талаб қилиши биланоқ олиш ҳуқуқидан, муддатли ёки бошқа омонатни эса хабардор этишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддати ўтганидан кейин олиш ҳуқуқидан воз кечиш ҳақидаги шарти ўз-ўзидан ҳақиқий эмас»;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Агар омонатчи муддатли ёки бошқа омонатни, талаб қилиб олингунча сақланадиган омонат бундан мустасно, муддат тугагунга қадар ёхуд банк омонати шартномасида кўрсатилган бошқа ҳолатлар юз бергунга қадар қайтариб беришни талаб қилиш ниятида бўлса, у ўзининг бу ниятидан банкни омонатни олишни мўлжаллаётган санадан камида бир ой олдин хабардор қилиши шарт»;

бешинчи ва **олтинчи қисмлари** тегишинча **олтинчи** ва **еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

олтинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Муддатли ёки бошқа омонат, талаб қилиб олингунча сақланадиган омонат билан мустасно, муддат тугагунга қадар ёхуд банк омонати шартномасида кўрсатилган бошқа ҳолатлар юз бергунга қадар омонатчининг талаби билан унга қайтарилган ҳолларда, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, омонат юзасидан фоизлар тўланмайди».

VIII. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган Қарори билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомнинг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, №5-6, 70-модда; 2000 йил, №5-6, 153-модда, №7-8, 217-модда; 2002 йил, №1, 22-модда):

1) **12-банди** қуйидаги мазмундаги **хатбоши** билан тўлдирилсин:

"хавфли юкларнинг транзити учун ўз ваколатлари доирасида хулоса беради";

2) **13-бандининг "б" кичик банди** қуйидаги мазмундаги **хатбоши** билан тўлдирилсин:

"хавфли юкларни транзит тарзда ташиш шартларини ўз ваколатига мувофиқ равишда бажариши".

IX. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 4-5-сонга илова, №9, 241-модда; 1998 йил, №3, 38-модда, №5-6, 102-модда, №9, 181-модда; 1999 йил, №1,

Киркиш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:

I. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган **"Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"**ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, №1, 38-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, №6, 118-модда; 1997 йил, №4-5, 126-модда; 1999 йил, №1, 20-модда; 2000 йил, №5-6, 153-модда, №7-8, 217-модда):

1) **22-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"22-модда. Чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш шартлари

Чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олиб борилади.

Чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга оширишнинг атроф муҳитга хавфсизлиги учун чиқиндиларнинг мулкдорлари жавоб берадилар. Чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш объектларини тегишли ҳудудга жойлаштириш масалаларини маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳал қилади";

2) **45 ва 46-моддалари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"45-модда. Табиатни чиқиндилар билан ифлосланишдан муҳофаза қилиш

Чиқиндиларни аҳоли пунктлари ерларида, табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ва тарихий-маданий аҳамиятга молик ерларда, сувни муҳофаза қилиш зоналари ва сув объектларининг санитария муҳофазаси зоналари доирасида, фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига, шунингдек алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ҳамда объектларга таҳдид келиб чиқиши мумкин бўлган бошқа жойларда сақлаш ва кўмиб ташлаш тақиқланади.

Алоҳида ҳолларда, махсус тадқиқотлар натижалари

Буклаш чизиғи

тўлдирилсин:

"Аризага таъсис ҳужжатлари илова қилинади";

тўртинчи қисмидаги "уч" деган сўз "олти" деган сўз билан алмаштирилсин;

6) **16-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **биринчи** ва **иккинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

"Оммавий ахборот воситасини чиқариш ёки нашр этиш муассиснинг ёки суднинг қарори билан тугатилиши (ёки тўхтатилиши) мумкин.

Оммавий ахборот воситаси оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мунтазам риоя этмай келган тақдирда ваколатли орган оммавий ахборот воситасини тугатиш (унинг фаолиятини тугатиш) ҳақида судга мурожаат этишга ҳақли";

иккинчи қисми тегишинча **учинчи қисм** деб ҳисоблансин;

7) **17-моддасининг**:

номидаги "ёки унинг фаолиятини тугатиш тўғрисидаги қарор" деган сўзлар чиқариб ташлансин;

матнидаги "шунингдек оммавий ахборот воситаси фаолиятини тугатиш тўғрисидаги қарор" деган сўзлар чиқариб ташлансин.

XII. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, №2, 36-модда; 1999 йил, №9, 229-модда; 2001 йил, №1-2, 23-модда; 2002 йил, №1, 20-модда) **109-моддаси** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм билан** тўлдирилсин:

"Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси жисмоний шахслар томонидан олиб кирилаётган товарлардан олинадиган қўшилган қиймат солиғи, бож ва йиғимлар ўрнига ягона божхона тўлови тўлашни назарда тутувчи божхона тўловларини ундиришнинг соддалаштирилган тартибини белгилаши мумкин".

XIII. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган **"Давлат кадастрлари тўғрисида"**ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, №1-2, 19-модда) **5-моддаси биринчи қисмининг ўн саккизинчи хатбошисидаги** "ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларини" деган сўзлар "чиқиндиларни" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

Киркиш чизиғи

сида"ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, №1, 10-модда):

1) қуйидаги мазмундаги **4[1]-модда** билан тўлдирилсин:

"4[1]-модда. Монополлаштиришга йўл қўйилмаслиги

Оммавий ахборот воситаларининг ишлаб чиқарилиши ҳамда тарқатилиши соҳасида монополлаштиришга ва инсофсиз рақобатга йўл қўйилмайди.

Биронта ҳам юридик ёки жисмоний шахс оммавий ахборот воситаларининг тегишли марказий ёки маҳаллий бозорига чиқариладиган оммавий ахборот воситаларининг йигирма беш фоизидан ортиғига муассис (ҳаммуассис) бўлишга ва (ёки) уларни шунча миқдорда ўз мулкида, эгалигида, фойдаланишида, тасарруфида, юритувида ёхуд бошқарувида (бевосита ёки аффилланган шахслар орқали) сақлашга ҳақли эмас";

2) **6-моддаси** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

"Ушбу модда талабларини бузганликда айбдор шахслар, шу жумладан муҳаррир (бош муҳаррир), журналист, бошқа шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар";

3) **11-моддаси** қуйидаги мазмундаги **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

"Қуйидагилар муассис бўлиши мумкин эмас:

ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар;

қасддан содир этган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёхуд суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар;

фаолияти қонун билан тақиқланган жамоат бирлашмалари.

Устав фондида чет эл инвестицияларининг улуши ўттиз фоиздан ортиқ бўлган юридик шахсларнинг оммавий ахборот воситаларини ташкил этишига йўл қўйилмайди";

4) қуйидаги мазмундаги **11[1], 11[2], 11[3]** ва **11[4]-моддалар** билан тўлдирилсин:

"11[1]-модда. Таъсис ҳужжатлари

Таъсис шартномаси ва устав (низом) оммавий ахборот воситасининг таъсис ҳужжатлари ҳисобланади.

Бир нечта муассис ўртасида тузиладиган таъсис шартномасида қуйидаги маълумотлар бўлади:

муассисларнинг номи ҳақидаги;

таъсис этилаётган оммавий ахборот воситасининг тури, фаолияти предмети ва мақсади, чиқиш даврийли

Буклаш чизиғи

йил, №1-2, 23-модда, №9-10, 165 ва 182-моддалар; 2002 йил, №1, 20-модда):

1) **175[4]-моддасининг диспозициясидаги** "(алкоголли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотлари, шунингдек рўйхати қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган бошқа товарлар тарзида)" деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **224-моддаси** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

"Чегара зонасига, шунингдек фуқароларнинг кириши ва бўлишига вақтинча чеклов белгиланган жойларга киришга ҳамда уларда яшашга оид қоидаларни бузган фуқароларнинг бундай жойларда яшашига йўл қўйиш –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади";

3) **245-моддасининг биринчи қисмидаги** "186, 186[1]-моддалари" деган сўзлар "186-моддаларида, 186[1]-моддасида (акциз маркалари билан марқаланмаган товарларни реализация қилиш ҳолларидан ташқари)" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **248-моддасининг иккинчи қисмидаги 4-банд** "223-моддасининг биринчи қисмида" деган сўзлардан кейин "224-моддасининг биринчи қисмида" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

5) **264-моддасининг биринчи қисми "**179[1]-моддаларида" деган сўзлардан кейин "186[1]-моддасида (акциз маркалари билан марқаланмаган товарлар реализация қилинган ҳолларда)" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

6) **287-моддасининг:**

1-бандидаги "164-моддасининг иккинчи қисмида" деган сўзлар "164-моддасининг учинчи қисмида" деган сўзлар билан алмаштирилсин, "176-моддасининг иккинчи қисмида" деган сўзлар "176-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"8) ушбу Кодекснинг 152-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида (радиоэлектрон воситаларни ёки юқори частотали қурилмаларни сотиш ёхуд ўзгага доимий ёки вақтинчалик фойдаланиш учун бериш қисми), 164-моддасининг учинчи қисмида, 166, 170-моддаларида, 176-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 198-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар со-

Киркиш чизиғи

маси, 1995 йил, №1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, №9, 144-модда; 1997 йил, №2, 56-модда, №9, 241-модда; 1998 йил, №5-6, 102-модда, №9, 181-модда; 1999 йил, №1, 20-модда, №5, 124-модда, №9, 229-модда; 2000 йил, №5-6, 153-модда; 2001 йил, №1-2, 23-модда, №9-10, 165-модда) **саккизинчи бўлимидаги** "Харидор ёки буюртмачиларни алдашдаги анча миқдор – энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан беш бараваригача бўлган миқдор", "Харидор ёки буюртмачиларни алдашдаги кўп миқдор – энг кам иш ҳақининг беш баравари ва ундан ортиқ миқдор", "Харидор ёки буюртмачиларни алдашдаги катта бўлмаган миқдор – энг кам ойлик иш ҳақининг ўндан бир бараваридан бир бараваригача бўлган миқдор" деган сўзлар чиқариб ташлансин.

IV. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, №2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, №2, 56-модда, №9, 241-модда; 1998 йил, №5-6, 102-модда, №9, 181-модда; 1999 йил, №1, 20-модда, №5, 124-модда, №9, 229-модда; 2000 йил, №5-6, 153-модда, №7-8, 217-модда; 2001 йил, №1-2, 11 ва 23-моддалар, №9-10, 165 ва 182-моддалар) **345-моддасининг:**

бешинчи қисмидаги "176 – 181, 184, 185, 185[1], 188 – 192" рақамлари чиқариб ташлансин;

олтинчи қисми "167" рақамидан кейин "176 – 181, 184, 185, 185[1], 188 – 192" рақамлари билан тўлдирилсин.

V. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, №3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, №9, 193-модда, №12, 269-модда; 1996 йил, №5-6, 69-модда, №9, 144-модда; 1997 йил, №2, 56-модда, №4-5, 126-модда, №9, 241-модда; 1998 йил, №3, 38-модда, №5-6, 102-модда, №9, 181-модда; 1999 йил, №1, 20-модда, №5, 124-модда, №9, 229-модда; 2000 йил, №5-6, 153-модда, №7-8, 217-модда; 2001

Буклаш чизиғи

ги ҳақидаги;

таъсис этилаётган оммавий ахборот воситасининг номи, почта манзили ҳақидаги;

оммавий ахборот воситасининг устав фонди миқдори, молиялаштириш манбалари ва уни ҳосил қилиш тартиби ҳақидаги;

муассисларнинг оммавий ахборот воситаси фаолиятида иштирок этишига доир ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳақидаги;

оммавий ахборот воситаси фаолиятини бошқариш тартиби ҳақидаги;

фойдани тақсимлаш тартиби ҳақидаги;

оммавий ахборот воситасини қайта ташкил этиш, тугатиш (оммавий ахборот воситасининг фаолиятини тугатиш) тартиби ҳақидаги;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шартлар тўғрисидаги.

Агар бир шахс муассис ҳисобланса, у рўйхатга олувчи органга уставини тақдим этади.

11[2]-модда. Муассис билан таҳририят ўртасидаги шартнома

Муассис билан таҳририят ўзаро ҳуқуқлар ва мажбуриятлар, жавобгарлик, низоларни ҳал этиш тартиби ва бошқа шартлар тўғрисида, шунингдек учинчи шахслар билан ўзаро муносабатлари тўғрисида шартнома тузадилар.

11[3]-модда. Муассиснинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

Муассис қуйидаги ҳуқуқларга эга:

таъсис шартномаси, устав (низом) ва қонун ҳужжатларида, шунингдек у билан таҳририят ўртасида тузилган шартномада белгиланган ваколатлари доирасида оммавий ахборот воситасининг ишларини бошқаришда иштирок этиш;

қўшган мулкий улушига мувофиқ равишда фойда ва зарарлар тақсимотида иштирок этиш;

оммавий ахборот воситасини муассис ёки унинг томонидан кўрсатилган учинчи шахс манфаатларини кўзлаб қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқарувни амалга ошириши лозим бўлган бошқа шахсга (ишончли бошқарувчига) мулкий мажмуи сифатида ишончли бошқарувга топшириш;

оммавий ахборот воситаси муҳарририни (бош муҳарририни), шунингдек таҳрир ҳайъати аъзоларини тайинлаш ва озод қилиш;

Киркиш чизиғи

Вилоятлардаги ноширлик

Жамият ва шахс маънавияти бор экан, уни доимий равишда парвариш қилиш, бунёдкор мақсадлар сари кучлантириб, сафарбар қилиб туриш керак. Зеро, парваришсиз, қаровсиз қолдирилган маънавиятда кемтикликлар содир бўлади. Улар аста-секин бўшлиқни ҳосил қилади. Маънавий, мафкуравий бўшлиқнинг жафоларини эса, афсуски, инсоният кўп тортди. Тортмоқда...

Яхши китоб — маънавий хитоб

ёки "Насаф" нашриётида чоп этилган айрим рисолалар хусусида мухтасар фикр

Жамият ва шахс маънавияти нимадан озиқланади?

Маънавий ишлаб чиқариш маҳсулотларидан, яъни соддароқ қилиб айтганда – одамларнинг кўзи кўраётган, қулоғи эшитаётган, ёки ўқиб маълумот олаётган билимлар манбаларидан. Булар ичида китоб – инсоният маънавиятининг етакчи манбаларидан эди ва шундай бўлиб қолмоқда. Бироқ, бу бизларни "ҳар бир китоб – бунёдкор маънавият манбаидир", деган бир томонлама хулосага олиб келмаслиги лозим. Чунки китобни бунёдкор ғоялар билан ҳам вайронкор ғоялар билан ҳам тўлдириш мумкин экан. Буни ҳам кўрдик. Ўз миллий-замонавий маънавиятимизнинг халқимизни бирлаштиришга, уни бунёдкор ишларга сафарбар қилишга қодир бўлиши ҳақида ўзимиз жонбозлик қилишимиз кераклигини пухта билиб олдик. Ана шу мақсадда "Халқ сўзи" очган янги рукн хайрли иш бўлди. Зеро, бу иш бир томондан, вилоятларимиз нашриётлари амалга ошираётган янгиликлар, ижодий ташаббусларни рағбатлантиради. Бир нашриётнинг ижобий тажрибаси бутун республика миқёсида оммалашиб, самара келтира бошлайди. Иккинчи томондан эса, мавжуд айрим муаммо, камчилик тезкор бартараф қилинади, яъни бошқаларни шу хато, камчиликка йўл қўйишдан огоҳлантиради. Олдини олади.

Н. Панжиевнинг **"Кўзимдаги атиргул"** деб номланган шеърлар тўпламининг биринчи фасли "Она юртим, жоним онажон..." деб номланган. Унда Ватан, миллат, халқимизнинг "саратондан боши ёниб, қишда ярим танаси яхобга ботиб" яшаган мустамлакалик йилларини ниҳоятда образли, гўзал, аммо шафқатсиз ташбеҳлар билан тасвирланади. Мана шундай оташ сатрлардан бири:

Қийналдинг!
Ноқаслар боринги олди,
Тилингга қулф осди,
Кўзингга қараб.
Чидадинг,
Қулимай қулгилар қолди,
Оддий алдамчилик
аталди шараф.

Ёки 1989 йилда ёзилган яна бир байтда:

Катта оға топдик,
етмиш йил бўлди,
Барча бойликларни
жўнатдик бурун.
Афсус поездларга
бўлмади юклаб,
Кўзғата олмадик
боболар ерин!

деб киноя қилинади. Бу сатрлар ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Тарихда бўлиниб, бирлаша олмаганлигимиз туфайли бой берилган имкониятларни эслатади, миллий ориятни уйғотади. Бугунги кун қадр-қимматини кўрсатади. Бундан буён ижтимоий ҳамкорликнинг, умуммиллий бунёдкор бирликнинг қадрига етишга ундайди. Ушбу нашр учун нашриётнинг ҳам, шоирнинг ҳам меҳнати маънавий рағбатга сазовор, деган ўйлар кечади кўнгилдан.

Акселерациями бу? Ёки бирор жафокаш шоир ўз шеърларини Ҳақбердига "совға" қилганмикин?

Иккиланиб, 5-бетни очасиз. Унда "Сочга оқ тушди..." деган шеърни ўқийсиз:

Қирққа кирмай,
сочга оқ тушди,
Дўст деганинг
кўп айёр экан...

Наширйётининг хайрли ишлари анчагина. Бунга мисол сифатида ёш ижодкорлар асарларини нашр қилишнинг яхши йўлга қўйилганлигини кўрсатиш мумкин. Шулардан бири Ҳақберди Умаровнинг шеърлар ва қатралардан иборат **"Узоқ ёғдулар"** китобидир.

Ҳ. Умаров лицейнинг 9-синф ўқувчиси. 16 ёшли ўсмир аксар ҳолларда ўзи ҳис қилган, кўрган, интилган нарсалари ҳақида ёзишга мойил бўлади. Лекин китобчада биринчи шеърдан бошлаб, сизни қуйидагича мисралар кутиб турган бўлади:

Асл хотин уйда
йиғларди қондек,
Никоҳсиз аёлни
хотин деб билди.
Соатга қарайман,
хаёлга чўмиб...

16 ёшли ўсмирнинг "асл" ва "никоҳсиз" хотинларни бунчалик нозик фарқлаши одамни ҳайрон қилади.

Гуноҳим не, бевафо дунё...

Ўсмир шоир "Ёзда қор ёғдирганлар" шеърида эса

Гулларимни уздилар,
Хазон расмин чиздилар

деб оҳ уради.

"Она" қатрасида "Гоҳида онамиздан яширинча аёлимизга совға олиб келамиз..." дейди.

Хуллас. Бу китобнинг ўзи Ҳақбердиники бўлиши мумкин, бироқ сўзи 9-синф ўқувчисиникига ўхшамайди.

Ўзбекистоннинг 9-синф ўқувчиси бу – нигоҳи олдинга, истиқболга тикилган, унчамунча қийинчиликларни кўрдим демайдиган, бироз овози дўриллаган, унга ишонишларини ва бу ишончни оқлашга шиддат билан киришмоққа шай турган ўспирин. Асар эса пессимизм билан суғорилган. ёшлар, фуқаролар керакми?

И. Усмонов, Н. Аҳмедов, Н. Эшпўлатовларнинг рисоласи Шайх Қусам ота ёки Баҳовуддин Нақшбанднинг устози ҳақида. Асар яхши, маърифий тилда ёзилган, лекин унга миллий истиқлол ғоясини уйғунлаштиришнинг имкониятлари бой берилган. Саййидлар авлодлари мақталган, оддий халқ эътибордан четда қолган. Тассаввуф, зоҳидлик мадҳ қилинган.

Ш. Каримовнинг **"Дўстлик қудрати"** яхши шеърий тўплам бўлиб чиққан-у

"Юрагимда бўлмасин армон,
Оллоҳ сенга бўлсин
меҳрибон...
"Бахтинг бутун бўлсин,
иқболинг, бекам,
Сени банда эмас,
оллоҳ сийласин"

каби сатрларнинг кўп учрашидан ўқувчида дунёвий тафаккурни сусайтириб, диний дунёқарашнинг ғолиб келишига хизмат қилиши мумкин. Ана шу жузъий камчиликни ва китобнинг безалишидаги номукаммаллик, унинг қоғози сифатсиз эканлигини айтмаганда китоб яхши тўплам бўлибди.

Т. Шодиевнинг **"Маърифат фидойилари"** рисоласи Шаҳрисабз халқ таълими бўлими ва унинг раҳбарлари, хизмат кўрсатган, унвонли ўқитувчи – раҳбарлар тўғрисида. Бундай китобларнинг бўлгани яхши, лекин китоб биографик ахборотлар тўплами бўлиб қолган. Модомики мавзу маърифат ва унинг фидойилари ҳақида экан, ана шу номлари келтирилган кишилар айтган оқил фикрлар, афоризмлар келтирилиб, уларнинг ўз меҳнат, ижод фаолиятларида учраган фавқулодда ҳолатларда кўрсатган ташкилий, маърифий жасоратлари баён қилиниши керак эди-да.

Яна бир жиҳат. **"Қ. Маннонов 1961-1967 йилларда туман ҳокимлигида тарғибот-ташвиқот бўлими мудири бўлди" дейилади китобнинг 35-бетида.** Бу эса мантиққа ҳам, тарихий ҳақиқатга ҳам зид. Зеро 60 йилларда "туман ҳокимлиги" деган гап йўқ эди.

Бундай хотиравий асарлар ўқувчиларда мураббийларга ҳурмат уйғотиши керак. Бунинг учун эса ҳар бир қаҳрамоннинг маънавий қиёфаси, бетакрор шахслиги ҳаётий, самимий ифода топиши керак эди. Афсуски бу китобда энг кўп қўлланилган сўзлар "тузилди", "ўқиди", "ишлади", "вафот этди"дан иборат. Бу эса ўқувчиларда бир кишига чуқур ҳурмат уйғотиш учун камлик қилади.

А. Йўлдошев, Н. Эшонқулов, М. Мираковларнинг **"Ўсимликларни зарарли жонзотлардан кимёвий ва биологик ҳимоя қилиш воситалари"** китоби аслида маълумотномадир. Буни муаллифларнинг ўзлари ҳам 5-бетда алоҳида таъкидлашган.

Илмий ахлоқ, ҳалоллик ҳар бир маълумотномага маълумотлар қайси манбалардан олинганининг кўрсатилишини тақозо қилади. Китобда биз бу тамойил амалини кўрмадик. Бу жуда шубҳали. Бу шубҳани таржималаги нуқсонлар янада кучайтиради: "Тез учувчан эритувчи ёрдамида пестицидни ҳавога пуркаш" деган фикр дастлаб русча ифодаланган, ёзилган. Муаллифлар таржимон сифатида кўпроқ меҳнат қилишган, деган фикр келади ўқувчига.

Шундай бўлса-да, китобнинг фойдали жиҳатлари бор.

"Даҳолар файзи"да улуғ аждодларимиз ҳаёти ва ижоди ҳақида марҳум адабиётшунос олим Ҳ. Худойназаровнинг фикрлари жамланган. Унда нуқсонлар, ғализликлар кўп. Масалан, Ибн Сино ҳақида ёзиб (11-бет) "Адиб ўз қиссасида тўғри фикрлар баён этади" дейилади.

"Давлат таълим стандарти ва ўрта таълимда ўзбек филологияси таълими параметрлари номли ҳаммуаллифлар ёзган, ўқитувчилар ва тегишли талабалар учун талқин ва тавсиялар, Ш. Каримов, И. Сайдуллаевларнинг "Пул муомаласи ва қарз бериш" номли қўлланмаси, Ш. Қурбонов, Ш. Қурбоновларнинг "Спорт физиологияси" ўқув қўлланмалари бевосита мутахассислар томонидан малакали тайёрланган.

Ёш ижодкор Алишер Нуриддинов Рўзи ўғлининг **"Юлдузларга учим келади"** деб номланган илк шеърий тўплами 500 нусхада чоп қилинган. Ёш ўсмир дунёқараши, самимияти шеърларида, уларнинг мундарижасида яққол кўриниб туради. "Мустақиллик", "Онажоним хотирасига", "Ўзбекистоним", "Темур бобо", "Устозим" каби шеърлар 8-синф ўқувчисида Ватан туйғусининг ҳақиқий ва самимий бадиий намойиши бўлган дейиш мумкин.

Битта мисол:

Юртим жону дилим деб,
Буюк бўлсин элим деб,
Яшаган Темур бобом,
Ишлари қилиб давом,
Руҳини шод этарман,
Боғлар бунёд этарман,
Ўзбекистон Ватаним,
Кезолмас асло ғаним.

Хуллас, барча нашриётларимиз қатори "Насаф" ҳам иш, ижод устида. Йўл қўйилган камчиликлар ҳам бор, табиийки ютуқлар ҳам.

Зора ана шу ютуқларимиз барча нашриётларимизга яшин тезлигида қулоч ёйиб етиб борса. Камчиликларимиз ҳам ана шу суръатда чекинса, бартараф этилса. Бундан ҳаммамиз, демакки, ҳар биримиз манфаатдормиз.

Муҳаммад ҚУРОНОВ.

Тиш — организм тегирмони

Табобат олами кенг. Одам танасининг ҳар бир аъзоси ўзига хос мутахассисни талаб қилади. Ҳали 32 тишим бутун пайтларида дўстларимдан бири тиш касалликлари бўйича диссертация ҳимоя қилганда, шу шартмикин, деб ҳазиллашганим эсимда. Ёшим улғайиб, ҳар тишимнинг бир дарди чиқа бошлаганда англадимки, ҳазилим ўринли бўлмаган экан.

Матсафо Бекметовни ёшлигидан биламан. Ҳатто шу нарса ҳам ёдимдаки, уни Тошкентда кўриб қолганимда «Мен доктор бўлмоқчиман. Бу отамнинг насиҳати ва у ердаги турмуш тарзининг талаби», деганди. Мана бугун Матсафо Бекметов республикамизнинг етакчи ортопед-стоматологи. 40 йиллик илмий ва амалий фаолиятида у қанчадан-қанча беморларнинг оғирини енгил қилган, тишларини даволаб, ҳуснига-ҳусн қўшган.

Унинг раҳбарлигида 1991 йилда республика илмий ўқув ишлаб чиқариш ортопедик стоматология маркази ташкил қилинди. Бундан ташқари, у Тошкент табобат институтида ёшларга дарс беради. Ёш илмий ходимларга раҳбарлик қилади. Ўнга яқин фан номзодларининг униб-ўсишига сабаб бўлган, бир неча фан докторларининг илмий ишларига раҳнамолик қилган.

Матсафо Бекметовнинг энг яхши хислатларидан бири шуки, у тиш даволаш амалиётидан узоқлашмайди. У илмни, амалиётни баробар олиб борадиган мутахассислардан. Яқинда у киши билан ўз касби-корларимиз хусусида суҳбат қурдик. Шифокор ўз мутахассислигига тегишли қизиқ воқеаларни гапириб берди. Унинг сўзларига қараганда, мактабда ўқиётган пайтларида синфида бир қиз бўлган. У ўта ҳусндор экан. Тишлари бамисоли дурдек текис терилган кўринсада, лекин қиз жилмайганда олдинги икки тишининг чеккаси қорайганлиги билинаркан. «Бунга ҳар кўзим тушганида ниҳоятда ачинардим», дейди шифокор. Кимдандир қорайган тишнинг сабабини сўрадим. У одам «Қизнинг тишига қурт тушибди. Агар даволатмаса, тишдан ажралади», деб қолди. Бироқ қизга, тишингни даволат, дейишга журъатим етмади. Биласизми, яқинда қизиқ воқеа бўлди. Иш кабинетимга бир аёл кириб келди. Ёнида унинг умр йўлдоши ҳам бор эди. Улар билан саломлашдик. Аёлни дарров танидим. Бу ўша тишига қурт тушган қиз эди.

— Тишимни кўрсатишга келдим, — деди у.

Кўрдим, ёшликдаги ўша тишидан фақат чўғир қолибди, холос. Аёлни бир неча кун даволадим. Тишининг ўрнига тиш қўйганимдан кейин жувоннинг ёшлигидаги дурдек терилган тишларию ҳусни, латофати аслига қайтгандек бўлди.

— Демак, тиш қўйиш ҳам санъат экан-да.

Профессор фикримга қўшилди ва чеҳраси очилиб ўз ишидан ҳурсанд эканини билдирди.

Ким билади, бундай кичик воқеалар Матсафо Бекметовнинг 40 йиллик ҳаётида қанчадан-қанча рўй берди экан. Қанча одамларнинг хунук тишларини янгилади. Қанча одамларнинг йўқ тишларини бор қилди. Шу йўл билан қанча инсонларнинг умрига-умр қўшди, ҳаётини енгиллаштирди!

Бу ўринда яна бир нарсани таъкидлашни истар эдим: шўролар даврида, хусусан, зиёлилар орасида бири иккинчисини кўра олмаслик, ҳасадгўйлик, ўринли ва ўринсиз шикоятбозлик ўта ривожланган эди. Матсафо Бекметовнинг фаолияти ҳам бундан истисно бўлмади. Аспирантурани тамом қилиб, айни илмий ва ташкилий ишларга шўнғиган пайтда унинг устида қора булутлар айланиб қолди. Ҳасадгўйлар ҳар хил йўсиндаги шикоятлар ташкил қилишди. Табиий, бу ҳодисалар изсиз ўтмади. Асаббузарликларга, илмий изланишларнинг ривожига салбий таъсир кўрсатди. Бироқ, Матсафо Бекметов бу ҳодисаларнинг табиий бир ҳол эканлигини, бу ҳолатлардан чиқиб олиш учун чидам ва матонат кераклигини яхши биларди. Шу боисдан у ўзи танлаган йўлидан қайтмади. Илмий ишларини, изланишларини қатъиятлик билан давом эттирди. Булар ҳаммаси Президентимизнинг Фармони билан профессор Матсафо Бекметовга берилган унвон — «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» қай даражада ўринли ва ўз вақтида эканлигини кўрсатиб турибди.

Матёқуб ҚЎШЖОНОВ.

Беморининг дарди ариган пайтдаги миннатдорлик табассумини кўриш шифокор учун нечоғли ёқимли эканини, ҳуш кайфият бағишлашини фақат оқ халат соҳибларининг ўзлари билишади. Янгийўл шаҳар шифохонасининг олий тоифали шифокори, невропатолог Ҳасан Фахриддинов ҳам юзлаб беморлар дардига малҳам бўлиб, эл назарига тушган. Тувра опа Самадова (суратдаги) оғир аҳволда шифохонага келтирилганди. Малакали шифокорнинг билими, муолажалари, ширин каломи ила бемор оёққа турди — дарди ариди.

Кўриб турганингиздек, шифокор Ҳ.Фахриддинов дардига шифо топган онахонни уйига кузатиш олдидан яна бир карра кўрикдан ўтказяпти.

Пардабой ЭРГАШЕВ олган сурат.

Шифокор огоҳлантиради

Меъда саратони

у ҳақда нималарни биламиз?

Меъда саратони ўсма касалликлар ичида энг кўп учрайдиган хавфли хасталиклардан ҳисобланади. У эркакларда кўпроқ учрайди. Шаҳар аҳолиси ўртасида нисбатан кенг тарқалган. Ташқи муҳитнинг зарарланиши, ичаётган сувимизнинг ва истеъмол қилаётган маҳсулотлар таркибининг бузилиши, кўп миқдорда азот моддаси бор қўшилмаларнинг бўлиши бундай касалликларни келтириб чиқарувчи сабаблардан биридир. Овқатланиш режаси ва қоидаларига риоя қилмаслик, кўплаб аччиқ, шўр, спиртли ичимликлар қабул қилиш ҳам мазкур касалликка олиб келиши мумкин. Олиб борилган тадқиқотлар доимий равишда мева ва сабзавотларни истеъмол қилувчилар орасида меъда саратонининг 2-3 маротаба кам учрашини исботлайди. Ўз вақтида меъданинг ўткир ва сурункали яллиғланиши, яра ва шу каби касалликларни даволамаслик ҳам вақт ўтиши билан кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши мумкин.

Хасталикнинг белгилари ошқозондаги бошқа касалликлардан кескин фарқ қилмайди. Хавфли ўсма меъданинг юқори қисмида жойлашганда бемор қаттиқ овқатларнинг тиқилиб, қадалиб ўтишидан шикоят қилади. Кейинчалик ҳатто суюқ овқатлар ҳам ўтмай қолади. Беморлар тўш суяги ортидаги оғриқдан, еган овқатни қайт қилишдан, холсизликдан, озиб кетаётганидан шикоят қилишади. Хавфли ўсма меъданинг тана қисмида жойлашганида касаллик узоқ вақт деярли белгисиз ўтади. Меъданинг пастки қисмида бўлса бемор овқат ҳазм бўлмасдан, туриб қолишидан, бунинг натижасида қориннинг юқори қисмида кучли оғриқ пайдо бўлиши, нафас сиқилиши, юракнинг тез-тез уришидан шикоят қилади. Бу ташвишли ҳолатлар ҳар бир инсон ўз саломатлигига бефарқ бўлмаслиги, маълум муддатда тиббий кўрикдан ўтиб туриши зарурлигини кўрсатади.

Касални дори билан эмас, ширин сўз билан даволаган маъқул.

Ҳозирги замон тиббиёти эришган ютуқлар туфайли беморларга меъда саратони ташҳисини қўйиш кўп қийинчиликлар туғдирмайди. Замонавий рентген, эндоскопик ва ультратовуш асбоблар орқали касалликнинг ҳар қандай босқичини аниқлаш мумкин. Лекин асосий муаммо уни даволашда. Меъда саратонини даволаса бўладими? Бўлади. Бугунги кунда бундай хасталикдан холи бўлганлар кам эмас. Жарроҳлик операцияларидан кейин 10-15 йил яшаб юрганлар кўпчиликни ташкил қилади. Лекин бунинг учун беморлар касаллик бошланиши билан шифокорга мурожаат қилишлари керак. Чунки хасталикнинг илк (I-II) босқичларида уни даволаш муаммо эмас. Гап унинг кечиккан (III-IV) босқичларини даволаш устида. Бахтга қарши кўпгина беморлар касалликнинг кечиккан босқичларидагина мутахассисга мурожаат қиладилар. Айрим беморлар эса касаллик белгилари пайдо бўлгандан сўнг ҳар хил табибларга қатнайдилар. Оқибатда хасталик ривожланиб, уни даволаш мураккаблашади.

Мутахассис олимларимизнинг самарали изланишлари туфайли касалликнинг IV босқичида кўплаб янги ножарроҳлик даволаш усулари ишлаб чиқилди ва кенг имкониятлар билан амалда қўлланилмоқда. Лекин хасталикни даволашдан кўра унинг олдини олган афзал. Бунинг учун одамлар ўртасида меҳнат, овқатланиш, шахсий гигиена қоидаларига қатъий риоя қилиниши, атроф муҳитнинг зарарланишига йўл қўймаслик зарур. Айниқса, овқат маҳсулотлари сифатини яхшилаш, уларни витаминларга бойитиш мақсадга мувофиқдир.

Организмдаги сурункали хасталикларни вақтида даволаш ўсма касалликлар профилактикасида муҳим аҳамият касб этади, айниқса сурункали атрофик гастрит, ошқозондаги полиплар, ошқозон яра касаллиги, ошқозонида операция ўтказилган одамлар доимий диспансер назоратида бўлиши ва даволаниб туриши талаб қилинади.

Инсоннинг энг катта бойлиги бу унинг соғлиғидир. Соғлиққа бефарқ бўлмайлик. Ўз вақтида аниқланган касалликни вақтида даволашгина беморларни бу дардлан фориғ қилади.

Миржалол ЖЎРАЕВ,
Республика Онкология илмий маркази жарроҳлик бўлими раҳбари, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январдаги «Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлиғини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, жорий йилнинг 5 июлидаги «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари мамлакатимизда аёлларни ардоқлаш, оилада соғлом муҳит ва хотиржамликни таъминлаш, соғлом авлодни вужудга келтириш ва тарбиялаш борасида яна бир улкан қадам бўлди. Экологик иқлими ва шароити анча мураккаб ҳисобланган Навоий вилоятида ушбу муҳим ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш қай аҳволда? Мухбиримизнинг вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитасининг раиси Мусаллам ИБРАГИМОВА билан суҳбати ана шу ҳақда.

Карор ва ижро

АЁЛЛАРИ СОҒЛОМ ЮРТ

фарзандлари асло кам бўлмас

— Аёл — ҳаёт чироғи, хонадонларимиз кўрки, деймиз. Аниқроғи, оиламиз хотиржамлиги, фарзандлар тарбияси асосан улар билан боғлиқ, — дейди М.Ибрагимова. — Аёллар билан ишлаш жараёнида ана шу фикрга яна бир бора амин бўлдим.

Лекин, афсуски, баъзи аёлларимиз ўзининггина эмас, миллат соғлиғига масъул эканини тўлиқ англаб етмаётганлиги ачинарлидир.

Орамизда носоғлом, камқувват оналар учраб туради. Улар касаллигини яширишга ўрганиб қолишган. Соғлиғи эртага бўлғуси фарзандининг соғлиғига таъсир қилиши ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Ўз касаллигини била туриб ёки фарзанд кўриши мумкин эмаслигини сезгани ҳолда шифокорларнинг маслаҳатларига қулоқ солмайдилар. «Ўзим учун туғаман», дея, ногирон фарзандга эга бўлишади. Бундай ачинарли ҳол олдида эътиборсиз бўлишга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ.

Кўриниб турибдики, энг аввало аёлларнинг, хусусан, ёш оналарнинг, оила бошлиқларининг фикрини ўзгартирмасдан туриб, кутилган мақсадга эришиб бўлмайди. Қўмитамизнинг эътибори кўпроқ ана шу каби масалаларга қаратилган.

— Биласиз, ҳозир қуруқ гап даври эмас. Аёлни соғломлаштириш, онлада тиббий маданиятни вужудга келтиришда аниқ ҳаракатлар керак...

— Ҳамма гап шунда. Зеро, юқорида таъкидланган иккала қарорда ҳам ушбу талаб аниқ ва равшан ифодаланган.

Вилоятимизда тиббий хизматни тубдан яхшилаш йўлида талайгина ижобий ишлар бажарилди. 2005 йилгача вилоят миқёсида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш концепцияси ишлаб чиқилди. Мазкур дастур асосида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш тадбирлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Кейинги йилларда республикамизнинг учта вилоятида, жумладан, Навоийда ҳам ҳукуматимиз ва Жаҳон банкининг «Саломатлик» лойиҳаси асосида ишлар амалга ошириляпти. Ғоят қисқа даврда 80 га яқин қишлоқ врачлик пункти янгидан ташкил этилди ва уларнинг ҳар бири 230 минг АҚШ доллари миқдоридаги замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. 42 та шифохона, 18 та поликлиника, 127 та фельдшер-акушерлик пунктлари, 25 та қишлоқ врачлик амбулаториялари, 80 та қишлоқ врачлик пунктлари фаолияти бугунги кун талабларига мослаштирилди. Ахборот-таҳлил марказлари компьютерлар билан тўлиқ таъминланди. Хуллас, бугунги кунда 800 мингдан зиёд аҳолига 2000 нафарга яқин врач ҳамда етти мингдан ортиқ ўрта маълумотли тиббиёт ходимлари хизмат кўрсатмоқда. Уларнинг анча қисми нуфузли масканларда малака оширишган. Тиббиёт соҳасидаги ишларнинг кўпроғи аёллар саломатлигини яхшилашга ва оилада тиббий маданиятни оширишга қаратилган, десам муболаға бўлмас.

— Айнан шу йўналишдаги амалга оширилаётган ишлар тўғрисида гапирсангиз.

— Ҳар бир оилага «Тиббий маданият» тушунчасини сингдириш бош вазифамиздир. Хотин-қизларнинг тиббий саводхонлигини оширишга қаратилган барча омиллардан фойдаланяпмиз. Аниқ мисолларга таянган давра суҳбатлари, ўзаро мулоқотлар мунтазам ўтказиляпти. Махсус варақалар, буклетлар нашр этилиб тарқатилди. Барча туғруқ мажмуаларида «Ёш она», «Оналар мактаби» фаолият кўрсатмоқда. Ҳокимликлар, «Соғлом авлод учун», «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, «Камолот» Ёшлар Ижтимоий Ҳаракати ва бошқа жамоатчилик ташкилотлари вакиллари соғлиқни сақлаш ходимларидан иборат тиббий-Ижтимоий ёрдам кўрсатиш гуруҳлари қишлоқ ва овулларга юборияпти. Тарғибот-ташвиқотнинг, маслаҳатлар таъсирини сезиб турибмиз.

Ҳар бир туман ва шаҳар ФҲДЁ (фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш) бўлимларида «Оила дорилфунуни» ташкил этилган. Уларда «Оилани қадрланг», «Оилани соғломлаштириш», «Бола тарбиясида ота-онанинг ўрни», «Онаси соғнинг — боласи соғ» мавзуларида доимий курслар ўтилмоқда. Мактаблар, коллеж, академик лицейлар, олий ўқув юртларида 16 соатли тиббий билимларни ўрганиш машғулотларини олиб боришга малакали тиббиёт ходимлари жалб этилган. Шу йилнинг ўтган даврида балоғат ёшидаги 26061 нафар қизлар тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилди. Касаллиги аниқланганларининг 10002 нафари соғломлаштирилди.

Тиббий тажрибадан биламизки, болаларни кўкрак сути билан боққан оналар камроқ касалликка чалинади. Шу мавзуда ўтган бир ой давомида 900 дан ортиқ суҳбат ва мулоқотлар ўтказилди. Навоий ва Қизилтепа туманларида марказий туғруқ мажмуалари «Болаларга дўстона муносабатда бўлган шифохона» сертификатини олишгани ҳам бу борадаги ишлар анча олға силжиганидан далолат беради.

— Соғлиқ бўлса, тинчлик бўлса, олдинга қўйилган ҳар қандай вазифа инсон иродаси, ақли-заковати билан ўз ижобатини топаверади, дейишади.

— Дарҳақиқат соғлиқ ва тинчлик энг катта бойлигимиз. Соғлиқ — олтиндан қиммат, деган ҳикмат бор. Ҳаётда шу икки неъматни асраш барча муддаолар пойдеворидир.

Вилоятимиздаги экологик вазият хотин-қизлар соғлиғини мустаҳкамлаш учун қўшимча чора-тадбирлар кўришни тақозо этади. 191500 нафар туғуруқ ёшидаги аёл, 145300 нафар бола диспансер кўригидан ўтказилди. Аксарият аёлларда камқонлик, ҳомиланинг яхши ривожланмаслиги, болаларда витаминлар етишмаслиги, йод танқислиги каби ҳолатлар аниқланди. Уларнинг барчасига амалий ёрдам берилмоқда. 800 минг АҚШ доллари қийматидаги зарур дори-дармонлар олиниб, бепул тарқатилди. Санаторийларга йўлланмалар берилди.

Булардан ташқари вилоят ҳокимлигининг тавсияси билан саноат корхоналарида ишловчи ҳомиладор, 3 ёшгача бўлган бола тарбияси билан банд оналар учун қўшимча имтиёзлар берилди.

Хуллас, мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги, бу борада жойларда амалга оширилаётган тадбирлар самараси яққол кўзга ташланиб қолди. Масалан, шу йилнинг ўтган даврида туғилган 10021 нафар чақалоқнинг 24 фоизи соғлом бўлиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3 фоизга ошган. Оналар ва болалар ўлими йил сайин камайиб боряпти. Энг муҳими, кўплаб аёлларимиз оилада тиббий маданиятни ўрганишди.

Бироқ, тан олиб айтиш керакки, аёлларимизнинг дунёқарашлари бир хил эмас. Маслаҳатларга амал қилмаслик, яқин қариндошлар ўртасида тузилаётган никоҳ ҳолатлари ҳам учраб турибди. Фарзанд кўришда оралиқнинг сақланмаслиги ҳоллари учраяпти. Тиббиёт муассасаларида дори-дармонлар ва тиббий буюмлар етишмаслигини ҳам биламиз. Бундан ташқари қарорлар ижросини таъминлашга тўғаноқ бўлаётган иқтисодий масалалар ҳам йўқ эмас. Тарбиявий ишларда айрим нўноқликлар сезиляпти. Эркаклар ўртасида тиббий тарғибот суст. Қўмитамиз ана шу ва бошқа яна кўплаб камчиликларни бартараф этиш чораларини кўряпти. Зеро, соғлом авлод мамлакат келажагининг пойдевори экан, оналарни соғломлаштириш йўлида ҳеч қандай баҳонага ва муаммога ўрин йўқ.

«Халқ сўзи» мухбири Абдуваҳоб ПИРМАТОВ суҳбатлашди.

Ажабтовур муолажалар

Бир бемор профессорга шикоят қилди:

— Кўпдан бери касалман. Аҳволим кундан-кунга оғирлашаяпти. Олдинлари қорним санчиб оғрирди, энди бошим ҳам оғрийдиган бўлди. Кўнглим айниб, қайт қилгим келади, тинкам қурийди, бот-бот терлайман.

Профессор гоҳ касалга, гоҳ эшик олдида қолдирилган ҳассага қараркан, сўради:

— Ҳасса билан неча йилдан бери юрасиз?

— Тўққиз-ўн йилдан бери.

— Қачондан бери касалсиз?

— Саккиз йил бўлди.

— Ҳамма иллат ҳассангизда, — деди профессор унинг қўрғошинли сопини кўрсатиб, — уни ушлагандан сўнг қўлни ювмасдан овқат ейилса, қўрғошин заррачалари овқат билан ичга тушади, натижада киши юқоридаги касалга мубтало бўлади.

Дарҳақиқат, мўйсафид қўрғошин сопли ҳассасини ташлаганидан сўнг соғайиб кетди.

* * *

Буюк ихтирочи Томас Эдиссон 84 йил умр кўрган. У доимо хушчақчақ, бардам бўлиб, қомати тик бўлган.

Қариялардан "Тетикликнинг сири нимада?" деб ёзилган мазмунда кўплаб хат олар экан. Эдиссон уларга "Тетикликнинг сирларини ҳеч кимга айтмайман. Бу менинг сирим. Лекин бир сирни очишим мумкин, у ҳам бўлса қариб қолаяпман, деб ҳеч хавотирланманг, доимо ёш бўлишнинг биринчи шарти шудир", деб жавоб қилар экан.

Китоблар оламида

Яхши сўз жон озиғи...

ёки ҳамширалик меҳнати оғирми?

Дардга чалиниб, поликлиникага чиққан ёки шифохонага тушиб қолган бемор, аввало, ҳамширага дуч келади. Улар биринчи бўлиб хаста дардини тинглаб, керакли шифокорга рўбарў қилишади. Гоҳо ҳамширанинг илиқ, самимий муомаласининг ўзиёқ дардманд одамга ярим даво бўлади. Гоҳо эса...

Ҳар бир ҳамшира ўз соҳаси сир-асрорларидан ташқари, умумэътироф қилинган инсоний ва маданий қоида, урф-одатларни ҳам билиши зарур. Аслида, тиббиёт соҳасининг ўзига хос нозик хусусиятларига эга экани ҳам шундан бўлса керак. Ҳамшира обрў-эътиборининг нечоғли юқори бўлиши ҳам кўп жиҳатдан шуларга боғлиқ. Қолаверса, ҳамширалик касбини танлаганлар, аввало, ўз иш хусусиятларини билишлари лозим. Чунки шу соҳада фаолият кўрсатиш билим, ирода, шижоат, диққат-эътиборлилик, саранжом-саришталик, бошқаларга сўз орқали таъсир кўрсата олиш, муҳими, бемор дардига дардманд бўлиш сингари инсоний хусусиятларни талаб этадики, уларни ҳамшира ўзида тарбияласи зарур бўлади.

Ҳамшира учун энг асосий даво қуроли унинг беморларнинг қалбига йўл топиб бора оладиган илиқ, самимий, даволовчи сўзидир. Ҳамшира қўллаган ҳар бир даво, ҳар бир дори-дармон унинг ширин сўзи билан бирга олиб борилса, даволаш унумли, самарали бўлади. Шундагина унинг берган дориси беморга ижобий таъсир қилади. Чунки бемор айни пайтда нафақат дори-дармонга, балки тасалли берувчи бир оғиз каломга муҳтож бўлади. Уни илиқ сўз даволайди. Кўп ҳолларда беморга бериладиган дори унинг қалбида нажот руҳини уйғота олмайди. Нажот руҳини даволовчи шифокор, табиб ва ҳамшира ўзининг самимий муомаласи, бемор қалбига йўл топа олиши билан уйғота олади. Тиббиёт ходимлари, жумладан, ҳамширалар ушбу йўлни тутганларидагина ўз касб маҳорати чўққиларига йўл топишлари, шубҳасиз.

Абу Али ибн Сино номли нашриётда чоп этилган "Ҳамширалик меҳнати психологияси" (муаллиф — Маҳмуд Йўлдошев) номли рисолада шунингдек, инсон руҳиятининг хусусиятларини ўрганишга ёрдам берувчи тест синовлари, улардан фойдаланиш усуллари, амалий руҳшунослик бўйича маслаҳатлар ҳам берилган. Илмий-оммабоп тарзда ёзилган рисола ҳамшираларнинг меҳнат жараёнини оширишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

У.ФАЙЗИЕВА.



Соғлом ўсгин, Болажон!

Абдуғани ЖУМА сурат-лавҳаси.

Донолар дейдики...

Бор экан ёшлигу, соғлиқ мусаффо,
Ҳар мақсад жилови қўлда муҳайё.

Носир ХИСРАВ.

* * *

Ўз касалини табибдан яширган одамлар ўзларига хиёнат қилган бўладилар.

«Калила ва Димна»дан

* * *

Ва лекин тиббу ҳикмат ҳам эрур хўб,
Ки сиҳҳатдур киши жисмида матлуб.

Алишер Навоий

* * *

Сиқилган кишига кулги бахш этмоқ,
Бир ботмон қанддан ҳам, билгил, яхшироқ.

Абдураҳмон ЖОМИЙ.

Тўқимачи мутахассислар маскани

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти — 70 ёшда

Жамиятни янгилаш, бозор иқтисодиётига ўтишда мамлакатимиз тўқимачилик ва енгил саноат тармоқларини жадал ривожлантириш, мавжуд имкониятларни ишга солиб, саноатга хориж сармояларини кенг жалб қилиш асосида тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш алоҳида аҳамият касб этади. Бугун бу борада катта амалий тадбирлар кўрилмоқда. Жумладан, мамлакатимизда етиштирилаётган пахта толасини қайта ишлаш, ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш 1990 йилги 8 фоиздан 2001 йилда 22 фоизга етди. Бу кўрсаткични 2005-2010 йилларда 50-60 фоизга етказиш вазифа қилиб қўйилди.



Табиийки, бу вазифани тезроқ ҳал этиш кўп жиҳатдан ҳар томонлама пухта билим ва юқори малакага эга, юксак маданият ва маънавият соҳиби бўлган, иродаси мустаҳкам, ғоявий эътиқод ва дунёқараши барқарор комил инсонларга, хусусан ёш мутахассис кадрларга боғлиқ.

Шу маънода, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти профессор-ўқитувчилари ва жамоаси республикамиз иқтисодиётининг устувор йўналишларидан ҳисобланган енгил саноат соҳаси тармоқларига давр талабига мос юқори малакали мутахассислар тайёрлаб беришга ўз муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Бугунги кунда институтни битириб чиққан минглаб кадрлар жаннатмакон Ватанимизнинг Қорақалпоғистон Республикасида, барча вилоятларда, қўшни Марказий Осиё мамлакатларида, МДҲ давлатларида, Россия Федерациясининг турли минтақаларида, шунингдек бошқа қатор хорижий мамлакатлардаги корхоналарда, илмий-текшириш институтларида, турдош олий ўқув юртларида, биржа ва божхона тизимларида муваффақиятли меҳнат қилиб келмоқдалар.

Ўз навбатида, институт раҳбарияти ва жамоаси бозор иқтисодиёти қонуниятларидан келиб чиқиб кадрлар тайёрлашни соҳа корхоналари буюртмаси асосида олиб бормоқда.

Бугун институтда мавжуд бўлган энг замонавий компьютерлар, хориждан келтирилган илғор дастгоҳ ва технологиялар, ўқув дастурлари талабалар ихтиёрига бериб қўйилган. Профессор-ўқитувчилар ва талабаларимизнинг Германия, Бельгия, Греция, АҚШ, Япония, Англия, Швеция каби қатор ривожланган мамлакатларнинг нуфузли университет ва институтларида ўқиб, малака ошириб, амалиётдан ўтиб келаётганликлари уларга энг замонавий қўшма корхоналарда нафақат ишлаб кетиш, балки уларни ривожлантириш ва технологик жараёнларни янада такомиллаштиришда бемалол иштирок этишлари учун кенг имкониятлар очиб бермоқда.

Муҳтарам Президентимиз И.А.Каримов ва республикамиз ҳукуматининг истиқболда мамлакат тўқимачилик ва енгил саноат тармоқларини янада ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлари тўқимачи кадрларга бўлган талаб ва эҳтиёжни янада оширишига шубҳа йўқ. Дарҳақиқат, бугун институтда таълим олаётган ва уни тугатаётган ёш мутахассис кадрларга эҳтиёж жуда ҳам катта. Бир неча йилдирки, институтда уларни буюртмачи корхоналарга кимошди (аукцион) савдоси орқали тақсимлаш яхши самаралар бермоқда. Демак, институтнинг истиқболи ва келажаги порлоқ.

Мустақиллик йилларида институтда кадрлар тайёрлаш билан бирга илм-фан ривожига бўлган эътибор ҳам ҳар қачонгидан кучайди. У том маънода, пахта тозалаш саноати, тўқимачилик, енгил ва бошқа соҳалар учун нодир илмий ечимлар маркази бўлиб қолди. Олимларимизнинг фаол илмий изланишлари, ихтиро ва кашфиётлари натижасида тармоқ корхоналари учун янги-янги хомашё турлари, уларни қайта ишлаш асбоб-ускуналари, тайёр маҳсулот олишнинг йўллари, маҳсулот турини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш усуллари яратилмоқда. Тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришда асосий эътибор республикамизнинг иқлим шароитини, халқимизнинг миллий қадриятларини, анъаналарини ҳисобга олишга қаратилмоқда. Мазкур йўналишлар бўйича илмий-тадқиқотлар сифат ва самарадорлигини янада ошириш мақсадида институтга нафақат номзодлик, балки докторлик диссертацияларини ҳам ҳимояга қабул қилиш ҳуқуқи берилди.

Унинг қошида «Тўқимачилик муаммолари» илмий-техник журнали нашр этила бошланди.

Мустақиллик йилларида институтда таълим соҳасидаги ислоҳотларни изчил амалга ошириш, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни босқичма-босқич ҳаётга қўлаб «Васийлар кенгаши»ни ташкил этиб, ички ва ташқи инвестицияларни кўпроқ жалб қилиш борасида ибрат ва намуна бўладиган катта тажриба тўпланди.

Институтимизда талаба-ёшларнинг ҳар томонлама мукаммал таълим олишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Ишларимизнинг янада муваффақиятли бўлишида институтимиз етук профессор-ўқитувчилар жамоасининг ҳиссаси катта. Айни шуларнинг самарали меҳнатлари туфайли институтимиз рейтинг кўрсаткичлари бўйича республикадаги мавжуд 62 та олий ўқув юрти орасида фахрли биринчи ўринни эгаллаб келмоқда.

Аминмизки, институтимиз профессор-ўқитувчилари бундан буён ҳам 3500 нафар талабаларга билим сирларини ўргатишда, назарий билимларини амалиёт билан қўшиб олиб боришда, талаба-ёшларни элим деб, юртим деб ёниб яшовчи ватан фидойилари қилиб тарбиялашда, шунингдек ўз илмий кашфиёти ва ихтиролари билан Ўзбекистон пахта, тўқимачилик, енгил, матбаа, қоғоз саноатларини юксакликка кўтаришга муносиб ҳисса қўшадилар.

Абдусаттор АБДУҒАФФОРОВ,
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ректорининг маънавий-маърифий масалалар бўйича муовини.

Қарияларнинг қадри баланд

Бухоро вилояти марказий шифохонаси қошида геронтология маркази иш бошлади. Ибн Сино номи билан аталувчи ушбу марказда кексаларни марказлашган усулда даволаш йўлга қўйилади. Ибн Сино халқаро жамғармаси ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу марказда ишловчи шифокорларнинг қайта тайёргарлик ва малака оширишдан ўтиши таъминланади. Малака ошириш жараёнлари ва марказни бепул дори-дармон, тиббий ускуналар билан таъминлаш халқаро жамғарма ҳисобидан амалга оширилиши кўзда тутилган.

М. ТОЖИЕВА.

Қилмиш-қидирмиш

Бир лаҳзалик «миллионерлар» пушаймони

Ўн тўққиз ёшли Заҳриддин Отахонов ўзига иш берган, қаноти остига олган Андижон шаҳрининг Олтинкўл кўчаси 10-уйда жойлашган «Саодат» хусусий савдо дўкони мудири Т. Умрзоқов ҳамда "Асака банк" Андижон шаҳар бўлимидагиларни чув туширди. Яна қанчага денг, беш миллионга. Шогирд бола устози номидан кафолат шартномаси тузади. Сўнг дўкон муҳрини босади. Умрзоқов билан дўкон ҳисобчиси М.Қосимоваларнинг имзоларини ҳам қойилмақом қилиб ташлади. Тўпланган сохта ҳужжатларни банкка тақдим этди ва жуда катта миқдорда ссуда — қарз олди. Пулни қўлга киритгач, дўконни ҳам банкни ҳам унутди. Пулни эса ўзлаштириб юборди. Синалмаган отнинг сиртидан ўтма, деган нақлни унутиб муҳрни ишониб топширган дўкондагилар ҳам, қарзни беришга бериб ундиришга келганда минг бир кўйига тушаётган банкдагилар ҳам лақмалик, беғамлик азобини тортишяпти.

Пахтаободлик Козимжон Домлажонов ҳам ўзгалар ишончига кириб олиб, шайтонни йўлдан оздиргулик нағмалар чиқарганига нима дейсиз. Ёши элликдан ортиб, ақл тиши аллақачон чиққан бу фирибгар ҳам Заҳриддинга ўхшаб сохта алоқа хати тайёрлади. Ўша хатни "Андижондонмаҳсулот" уюшмасидагиларга топшириб "Ҳақиқат" ширкат хўжалигига тегишли бўлган икки миллион сўмлик маҳсулотни илиб кетди.

Алқисса, сохтакорлар темир панжаралар ортидан жой олди. Алининг дўпписини Валига кийдириб, миллион-миллионларни ўмариб ўрганган бир лаҳзалик "миллионерлар" ҳозирда бош чангаллаб ўтиришибди. Сўнгги пушаймондан не наф!?

О.ШОДМОНАЛИЕВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Тузатиш

Газетанинг 10 октябрь сонида Халқаро «Наврўз» хайрия жамғармасининг Фарғона вилояти ва Тошкент шаҳар бўлимлари томонидан чиқарилган «Умид» пул-ютуқли хайрия лотереяси бўйича 2002 йил 5 октябрда Тошкент шаҳрида ўтказилган ютуқлар тиражининг расмий жадвалида серияси 003925 бўлган лотерея билети рақами 022* деб ўқилсин.

Invitation for Bids

17 October 2002

ADB Loan No. 1737-UZB: Senior Secondary Education Project

1. The Government of Republic of Uzbekistan has received a loan from the Asian Development Bank (ADB) towards the cost of the Senior Secondary Education Project, and it is intended to apply part of the proceeds of this loan to payments under the contract No. B2/SSEP for "Supply, Delivery and Installation of Specialized Workshop Equipment".
2. The Centre for Secondary Specialised Vocational Education now invites sealed Bids from eligible Bidders for the supply, delivery and installation of Goods grouped in indivisible Lots:

   Lot No. 1. – Wood-processing Equipment & Carpentry Tools;

   Lot No. 2. – Sewing Equipment;

   Lot No. 3. – Machine Workshop Equipment;

   Lot No. 4. – Agronomy Laboratory Equipment.

   for Professional Colleges of the Centre for Secondary Specialised Vocational Education of the Ministry of Higher and Secondary Specialised Education of the Republic of Uzbekistan.
3. International competitive bidding will be conducted in accordance with ADB's Single-Stage, One-Envelope Bidding Procedure and is open to all Bidders from eligible source countries.
4. Interested eligible Bidders may obtain further information from the Centre for Secondary Specialised Vocational Education and inspect the Bidding Document at the address given below, from 9:00 to 18:00 hours.
5. The Bidding Document, in the English language, may be purchased by interested Bidders on the submission of a written application to the address below and upon payment of a non-refundable fee of three hundred US Dollars ($300) or equivalent amount in the national currency of Uzbekistan (Soum) at the exchange rate of the Central Bank of Uzbekistan set on the date of the payment . The amount should be directly deposited to the Purchaser's bank account, quoting "ICB Bid 2, ADB Loan No. 1737-UZB":

Centre for Secondary Specialised Vocational Education of the
Ministry of Higher and Secondary Specialised Education of the Republic of Uzbekistan
Branch No. 00423
TPI No. 202515618
Account name: Centre for SSVE
Account Number: 20203840303761981003 (for payment in USD)
Account Number: 20203000903761981001 (for payment in Uzbek Soums)
Bank: UZJILSBERBANK, Mekhnat Branch, Tashkent

Correspondent Banks:

THE CHASE MANHATTAN BANK, N.A.
USA, New York, NY 10004 SWIFT CHASUS 33
Account No. 001-1-017803

"DEUTSHE BANK" AG
Germany, Eshborn D-65755, SWIFT: DEFF
Account No. 947 4420

"CITI BANK"
USA, New York, NY 10043 SWIFT CITI US 33
Account No, 361 42 668

"COMMERZBANK AG"
Germany, Frankfurt/Main, SWIFT: COBADEFF
Account No. 4008867871 USD

"DRESDNER BANK AG"
Germany, Frankfurt/Main SWIFT: DREDEFF
Account No. 499/0812593400/400

The Bidding document may be picked up by the representative of the Bidder at the address below or by the Bidder's request CSSVE can dispatch the Bidding Document by courier. No liability will be accepted for loss or late delivery.

6. Bids must be delivered to the address below at or before **15:00 hours on 17 December 2002**. All Bids must be accompanied a Bid Security of not less than two percent (2%) of the bid price. Late Bids shall be rejected. Bids will be opened in the presence of the Bidders' representatives who choose to attend at the address below at 15:00 on 17 December 2002.
7. All Bidders or their representatives are invited to attend a **pre-bid conference** which will take place at 10:00 hrs on 19 November 2002. Bidders are requested to submit their questions in writing to the address below before the meeting. Non-attendance at the pre-bid meeting will not be a cause for disqualification.
8. The Centre for Secondary Specialised Vocational Education will not be responsible for any costs or expenses incurred by Bidders in connection with the preparation or delivery of Bids.
9. In the comparison of Bids, ADB's Domestic Preference Scheme will be applied in accordance with the provisions stipulated in the Instruction to Bidders.

Senior Secondary Education Project
Mr. Jummanazar H. Husanov,
First Deputy Minister of MOHSSE, Project Director
5 Mustakillik Square, Tashkent 700078
The Republic of Uzbekistan
Phone/fax Nos.: (+998-71) 1391606; 1391621
E-mail: piu_ssep@bcc.com.uz

6406-1/2148

Тендерга таклиф

2002 йил 17 октябрь

1737-UZB рақамли Осиё тараққиёт банки кредити:
«Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш» лойиҳаси

1. Осиё тараққиёт банки (ОТБ) Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш учун кредит ажратган. Мазкур кредитнинг бир қисми B2/SSEP рақамли «Ўқув устахоналари махсус жиҳозлари» шартнома тўловларини қоплаш учун сарфланади.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, **Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази** 42 та касб-ҳунар коллежлари учун товарларни келтириш, жойларга етказиб бериш ва уларни ўрнатиш бўйича ўтказиладиган тендер-савдосига ОТБга аъзо бўлган давлатлардан қатнашувчиларни таклиф этади. Таклифлар хат жилдда муҳрланган ҳолатда қабул қилинади. Товарлар тўртта бўлинмайдиган лотларга гуруҳлаштирилган:

   № 1-ЛОТ –ёғочга ишлов бериш жиҳозлари ва дурадгорлик асбоблари;

   № 2-ЛОТ – тикувчилик жиҳозлари;

   № 3-ЛОТ – ўқув устахоналари дастгоҳлари ва асбоблари;

   № 4-ЛОТ – агрономия лаборатория жиҳозлари.
3. Халқаро тендер савдоси бир этапда икки-конвертли усул қоидаларига мувофиқ ўтказилади ва бу савдо ОТБга аъзо бўлган барча давлатлар қатнашувчилари учун очиқ.
4. Тендерда иштирок этишни истаган қатнашувчилар тендер ҳужжатлари ва бошқа маълумотлар билан қуйида кўрсатилган манзилда соат 09.00 дан 18.00 гача танишиб чиқишлари мумкин.
5. Тендерда иштирок этишни истаган қатнашувчилар инглиз тилидаги тендер ҳужжатларини қуйида кўрсатилган манзилда сотиб олишлари мумкин. Бунинг учун улар ёзма талабнома юборишлари, ҳамда қайтариб берилмайдиган 300 (уч юз) АҚШ доллари ёки Ўзбекистон Марказий банки томонидан белгиланган алмаштириш курси бўйича миллий валюта (сўм)да муқобил маблағ тўлашлари шарт. Ушбу маблағ, тўлов мақсади: «2 транш, 1737-UZB рақамли ОТБ кредити» кўрсатилган ҳолда, қуйидаги ҳисоб рақамларига ўтказилиши ёки жойлаштирилиши керак:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази
Ўзуйжойжамғармабанк, Меҳнат бўлими, Тошкент шаҳри,
МФО 00423, ИНН 202515618.
Ҳисоб номи: ЎМКҲТ маркази
Чет эл валюта ҳисоб рақами 20203840303761981003
Сўм ҳисоб рақами 20203000903761981001

Мухбир-банклар:

THE CHASE MANHATTAN BANK,
N.A. USA, New York,
NY 10004 SWIFT CHASUS 33
Account No. 001-1-017803

"DEUTSHE BANK" AG
Germany, Eshborn D-65755, SWIFT: DEFF
Account No. 947 4420

"CITI BANK" USA, New York,
NY 10043 SWIFT CITI US 33
Account No. 361 42 668

"COMMERZBANK AG"
Germany, Frankfurt/Main,
SWIFT: COBADEFF
Account No. 4008867871 USD

"DRESDNER BANK
AG"Germany, Frankfurt/Main SWIFT: DREDEFF
Account No. 499/0812593400/400

Тендер ҳужжатлари қуйида кўрсатилган манзилда қатнашувчилар вакилларига берилиши ёки қатнашувчиларнинг расмий талабига кўра, ЎМКҲТМ тендер ҳужжатларини курьер почта орқали юбориши мумкин, лекин бунда ЎМКҲТМ ҳужжатларни кеч борганлиги ёки йўқолиб кетганлиги учун ҳеч қандай масъулият олмайди.

6. Барча таклифлар **2002 йил 17 декабрь соат 15.00 гача** «Қатнашувчилар учун йўриқнома»га мувофиқ таклифнинг умумий қийматининг 2% дан кам бўлмаган миқдордаги гаров қоғози билан бирга қуйида кўрсатилган манзилга етказилиши лозим. Сўнгра таклифлар иштирок этиш истагини билдирган қатнашувчилар вакиллари олдида расман очилади. Кечикиб етказилган таклифлар қабул қилинмайди.
7. Барча қатнашувчилар ёки уларнинг вакиллари 2002 йил 19 ноябрь соат 10.00да ўтказиладиган тендер олди конференциясига таклиф этиладилар. Қатнашувчилар ўзларини қизиқтирган саволларни конференция бошлангунга қадар қуйида кўрсатилган манзилга ёзма равишда тақдим этишлари керак. Тендер олди конференциясида қатнашиш мажбурий эмас.
8. Тендерда қатнашувчиларнинг таклифларни тайёрлаши ёки етказиши билан боғлиқ бўлган харажатлари ёки ҳар қандай қўшимча тўловлари учун ЎМКҲТ маркази масъул эмас.
9. Таклифларни баҳолашда «Қатнашувчилар учун йўриқнома» шартларига мувофиқ ОТБнинг маҳаллий афзаллик схемаси қўлланилади.

«Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш» лойиҳаси,
Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари,

лойиҳа директори
Ҳусанов Жумманазар Ҳусанович
Ўзбекистон Республикаси, 700078,
Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5.
Тел/факс: (+998-71) 139-16-06, 139-16-21.
Электрон почта: piu_ssep@bcc.com.uz

6406-2/2148

ЗАВОДНИНГ РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТЕРИ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН



БЕНЗИН ҚУЙИШ КОЛОНКАЛАРИ
(НАРА 4216, 2816)
ва ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАРНИ таклиф этади.
Завод мутахассислари томонидан ўрнатиб ва созлаб берилади.
Тўлов шакли турлича.
НАРА ТМ
Телефонлар: 144-28-44, 144-28-04, факс: 144-28-28

Ташкилот ва корхоналар диққатига!

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) бўйича республика бошқармаси

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

қуйидаги иншоотга танлов савдолари (тендер) ўтказилишини эълон қилади.

1. Наманган вилоятидаги «Қора-Қалпоқ» коллекторини қайта тиклаш (2-навбат). Қурилиш муддати — 425 кун.

Буюртмачи: *Наманган шаҳри, Ибрат кўчаси, 33-уйда жойлашган Наманган вилояти жамоаларaро кенгаши. Телефон: 6-45-04.*

Қурилиш ишлари давлат инвестиция маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга: етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятлар ва материаллар захирасига, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдога қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — пудрат савдоларини ташкил этиш (тендерлар) бўйича республика бошқармасининг Наманган вилояти филиалига қуйидаги манзилга:

Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй (Матбуот уйи, 4-қават) иш кунлари соат 10.00дан 17.00гача мурожаат қилиш мумкин. Телефон/факс: (8-36922) 6-14-50.

Битта тендер ҳужжатлари тўплами нархи — 32000 сўм.

Таклифлар (офертaлар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.
Таклифлар (офертaлар) савдо ташкилотчисига тақдим этиш охирги муддати — офертaлар очилиш куни ва соати.
Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб ўттиз кундан кейин юқоридаги манзилда ўтказилади.

«MAKSIMA» мебель салони

Италия, Испания, Польшадан келтирилган мебеллар, ёритгичлар, қандиллар, расмлар ва кўрпа-ёстиқ анжомларини таклиф этади.

«MAKSIMA» АРТ-дизайн студияси

хонадонингиз, ҳовлингиз дизайнини якка тартибда ишлаб беради.
КАТАЛОГ бўйича буюртмангиз етказиб берилади.

Ўзбекистон бўйича етказиб ва йиғиб бериш — БЕПУЛ.

Тушликсиз ва дам олиш кунисиз ишлаймиз.



Манзилимиз:
Кўнаев (с. Саперная) кўчаси, 46-уй.
Телефонлар: 111-14-44, 152-75-94.
E-mail: maxima@online.ru

Яқин Шарқ

Қароргоҳ қайта тикланмоқда

Фаластинликлар Рамоллоҳда Ёсир Арофат қароргоҳи атрофини қайта тиклаш ишларини кечаю кундуз давом эттиришмоқда. Уларнинг энг биринчи вазифаси — Арофатнинг хавфсизлигини таъминлашдир. Чунки улар Исроил Бош вазири Ариэль Шароннинг фаластинликлар етакчисига ҳеч қандай хавф тахдид солмаяпти, деган сўзларига ишонқирамай қарашмоқда. Шу туфайли қароргоҳ атрофида тўсиқ барпо қилинмоқда. Унинг баландлиги 1,2 метрга етади. Шунингдек, қароргоҳдаги икки бино ўртасидаги ўтиш жойини қайта қуриш ҳам режалаштирилган.

"Ассошейтед Пресс" агентлиги маълумотига кўра, 2002 йилнинг 19 сентябрь куни Исроил танклари Тель-Авивда йўловчи автобусининг портлатилгани оқибатида 6 киши ҳалок бўлганлигига жавобан Рамоллоҳга киритилган эди. Улар кўплаб биноларни вайрон қилдилар.

АҚШнинг талабига биноан қароргоҳ қуршови 29 сентябрда тўхтатилди. Деярли ўша кунданоқ қароргоҳни қайта тиклаш ишлари бошланди.

Хавфсизлик

Тоғли ўрмон қўриқчилари жойлаштирилади

Покистон ҳукумати Афғонистон билан чегара ҳудудларида 800 нафардан 1000 нафаргача италиялик тоғли ўрмон қўриқчиларини «Ал-Қоида» жангариларига қарши курашиш учун жойлаштиришга қарор қилди.

«NEWS» газетасининг тарқатган маълумотига кўра, тоғли ўрмон қўриқчилари қисмлари америкаликлар олиб бораётган амалиётларга кўмаклашади. Улар довон ва сўқмоқларни назорат қиладилар.

ФРБ огоҳлантиради

Яқинда "Ал-Қоида" экстремистик ташкилоти етакчилари номидан тарқатилган аудио-видео мурожаатларга жавобан АҚШ Федерал разведка бюроси (ФРБ) бин Лодин террорчилари Америка объектларида қўпорувчиликларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирди. Америка ҳукуқни ҳимоя қилиш органлари ҳам шу ҳақда огоҳлантирилган. Унда террорчиликлар қачон ва қаерда амалга оширилиши мумкинлиги ҳақида кўрсатмалар йўқ.

"Рейтер" агентлигининг маълумотига кўра, ФРБ мурожаатномасида "асирга олинган террорчилар экстремистлар етакчиларининг сўзларини тасдиқлагани ҳужумларга ишора сифатида хавотиримизни янада оширди" деган фикрлар қайд этилган.

Маочилар фаоллашмоқда

Непалда маочилар мамлакатдаги йирик гидроэлектростанцияни портлатишди.

Бу ўтган ҳафтанинг жума кунидан бошлаб юз берган учинчи портлатишдир. Ўша куни мамлакат қироли Гьянендра Бош вазирни истеъфога юбориб ҳокимиятни ўз қўлига олган эди.

«Рейтер» агентлигининг маълумотига кўра, Непалда шу йилнинг 20 август куни фавқулодда вазият бекор қилинганидан сўнг маочилар мамлакатда мутлақ монархияни ағдариш йўлидаги ҳаракатларни жадаллаштирмоқда. Улар мамлакатда коммунистлар раҳбарлигида бир партияли тизим ўрнатишмоқчи.

Россиянинг инглизча номланган «Hand» космик ускунаси Марс сайёрасида фасл алмашаётганлигини кузатмоқда. Қизил сайёранинг шимолий ярим шарида қиш фасли тугаб, баҳор бошланмоқда.

Бу ҳақда Россия Фанлар академиясига қарашли Космик тадқиқотлар институти космик гаммаспектроскопия лабораториясининг мудири Игорь Митрофанов «ИТАР-ТАСС» агентлигига маълум қилган.

«Hand» ёрдамида Марс қатламининг остидаги улкан сув заҳираларига эга бўлган мангу музлик кенгликлари топилди.

Ҳозир сайёранинг шимолий қисмида баҳор бошланди. Жанубий қисмига эса қиш фасли кириб келаяпти, шунинг учун ҳам унинг бу қисмини кузатиш мушкул.

Митрофановнинг айтишича, қишда мангу музликлар яхли газ билан қопланади. Олимларнинг тахминига кўра, у ярим метрча бўлиши мумкин. Баҳор келиши билан эса газ учиб кетади ва космик ускуналарга яна музликлар «кўрина» бошлайди.

«Hand» ҳозир Марс орбитаси атрофида айланаётган «2001 Марс Одиссей» сайёралараро станциядаги илмий аппаратурага ўрнатилган.

Таиланд. Бангкок ҳам тошқинлардан холи қолмади. Бир кунда шаҳарга бир ойлик ёмғир ёғди. Кўчалар дарёга айланди, шаҳарнинг бир қисми бутунлай сув остида қолди. Транспорт ҳаракати ишдан чиқди.

Нобель ҳафталиги

Америкалик Вернон Смит ва Исроил ҳамда АҚШ давлатлари вакили Дэниел Канеман Нобель мукофотининг иқтисодиёт фанлари соҳасидаги совриндорлари бўлишди.

Канеман иқтисодиётда беқарорлик шароитида қарор қабул қилиш ва ўзини тутишга оид психологик тадқиқотлари, Смит эса муқобил бозор механизмларига оид эмпирик тадқиқотлари учун тақдирланишди.

Табиий офат

Аҳоли кўчирилмоқда

Британиянинг Кариб денгизидаги Монтсеррат оролидан аҳоли кўчирилмоқда. Бунга Суфриер Хиллз деб номланган вулқон уйғониши хавфи борлиги сабаб бўлди. Бу ҳақда Оролнинг фавқулодда вазиятлар бошқармаси вакиллари маълум қилишган.

Уларнинг айтишича, вулқоннинг фаоллашиши туфайли атрофдаги ҳудудларда хавфли вазият вужудга келди. Бу ерда яшовчи аҳоли оролнинг хавфсизроқ бўлган шимолий қисмига кўчирилмоқда.

"Рейтер" агентлигининг маълумотига кўра, Суфриер Хиллз вулқони Кариб архипелагидаги ҳаракатланаётган ягона вулқондир. У 1995 йилда уйғонган эди.

Саҳифа учун масъул: Салим ДОНИЁРОВ.

Бу сирли олам

Шаҳар узра НУЖлар

Грузиянинг Рустави шаҳри аҳолиси осмонда 7 та номаълум учар жисм (НУЖ)ни кўришган. Воқеа гувоҳларидан бири — Георгий Чемишвили НУЖни видеокамерада суратга олишга муваффақ бўлган. Бу ҳақда Чемишвили Грузиянинг «Прайм-Ньюс» агентлигига хабар қилган. Видеоёзув 10 дақиқага яқин давом этади.

Чемишвилининг айтишича, 3 октябрь куни шаҳарнинг шимоли-шарқий қисмида 7 та ёниб турган жисм кўринган. Улар тошбақага ўхшаш бўлган.

Ҳар бир жисмнинг диаметри 50 метрга яқин. Ҳамма НУЖлар жуда тез ҳаракатланишган, баъзида бирдан туриб қолишган, сўнгра учиб кетишган.

«НТВру»нинг маълумотига қарағанда, Чемишвили НУЖни бошқа шаҳарда яшовчилар ҳам кўришганлигини таъкидлаган.

Экология

Чоралар қўллаб-қувватланадими?

БМТнинг Экологик дастури томонидан чоп этилган маърузада айтилишича, иқлим ўзгариши жаҳон иқтисодига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Иқлим ўзгариши оқибатида юз бераётган табиий офатлар икки баробар кўпайди. Муаллифларнинг фикрига кўра, улар яқин 10 йилликда ҳар йили 150 миллиард АҚШ доллари миқдорида зарар келтириши мумкин.

Маъруза муаллифлари молиявий сектор ва давлат ҳукуматларини «парник эффекти»га олиб келувчи газларнинг атмосферага тарқатилишини чеклаш бўйича чораларни қўллаб-қувватлашга чақирди.

Кўргазма



Германияда йирик халқаро китоб ярмаркаси очилди. Франкфуртда ўтаётган ушбу тадбирда турфа хил китоблар бор, баъзиларидан ҳатто ўриндиқ сифатида фойдаланса ҳам бўлади.

ИФТИХОР

Қандай яхши. Улуғланса миллатинг,
Элинг ичра баланд бўлса ҳурматинг.
Худо берган катта инъом-истиқлол,
Шарафидан камол топса давлатинг.

Қандай яхши, иқбол кулса, кулса бахт,
Наъра тортсанг, жўшса танда шиддат-шаҳд.
Осмондаги Ойни олмоқ истасанг,
Қуёш келиб, кафтларингга қўнса нақд.
Қандай яхши!

* * *

Бизнинг юртнинг халқи буюк,
Ҳар боласин қалби буюк.
Фарзандларин суйган Ватан,
Она каби азиз, суюк...

Абдул Ҳамид ХЎЖАЗОДА.

Нур Шарқдандур

Ибратли сўзлар

Абу Райҳон Берунийнинг шу номли асаридан

Одамлар ўрганган, одатланган ва билган нарсасига қаршилик кўрсатма.

* * *

Ҳаким ва олимлар аҳлоқидан таълим олиш яхши хулққа ҳаёт бахш этади, ёмон қилиқни ўлдиради.

* * *

Асаларилар ҳам ўз жинсидан бўлатуриб ишламай қувадаги асални бекорга еб ётадиганларини ўлдириб ташлайди.

* * *

Нодонлик бедаво касалликдир.

* * *

Билим қайтариш ва такрорлаш мевасидир.

* * *

Баъзи бир сўзлар борки, у бир дин ва тилда бемаъни бўлса, бошқа дин ва тилда бемаъни бўлмайди.

* * *

Табиат яхшини ёмондан айирмасдан, ҳамма нарсага бир хилда таъсир қилади.

* * *

Улуғ ҳодисалар ҳар вақт юз беравермайди.

* * *

Инсон ҳаётидаги зарурат, эҳтиёжлар уларда илмларга бўлган талабларни келтириб чиқаради. Бу эҳтиёжларга кўра илмлар ҳар хил тармоқларга бўлинади.

* * *

Комил нарса ортиқчаликни ҳам, камчиликни ҳам қабул этмайди.

Г.ҲУСАНОВА тайёрлади.

Толенома

ТАРОЗУ

(24 сентябрдан 23 октябргача туғилганлар учун)

УМУМИЙ ТАЪРИФ. Бу бурж соҳиблари ўзларининг ёқимтой, жозибали, очиққўнгилликлари билан бошқалардан фарқ қиладилар. Чиройли кийинишни, меҳмон кутиш ва меҳмонга боришни, тўй-ҳашамларни хуш кўрадилар. Сева олиш қудрати туфайли ҳар қандай қийинчиликни енгадилар. Уларнинг битта ёмон томонлари шундаки, ўзларини спиртли ичимликлардан, ширин таомлардан тия олмайдилар. Ўз фикрларини бировга ёқса-ёқмаса очиқ-ойдин айтаверадилар, ҳатто юқори лавозимдагиларга ҳам очиқдан-очиқ танқидий «ҳужум» қиладилар. Шартаки бўлганликлари учун ҳам ўз бошларига кўп ғавғолар орттириб туришади.



Кайфиятлари тез-тез ўзгариб туради. Албатта, бу ҳолат уларнинг суҳбатдошига ҳам ўз таъсирини ўтказади. Агар у жилмайгудек бўлса, қаршисидаги ҳар қандай бағри тош одамнинг ҳам чеҳраси ёришади. Улар гўзаллик шайдосидирлар.

ЭРКАКЛАР. Севги бобида жуда кучли бўлади. Унинг атрофида доим чиройли қизлар, аёллар бўлади. Унда иккиланиш ҳиссиёти доим ҳар қандай кескин вазиятларда ҳам устун келади. Масалан, сизга совчи қўйишга қўйиб, ота-онангизнинг розилигини олса ҳамки, «уйлансамми ё йўқми» деган ўй уни тарк этмайди. Аммо сизни севса ундан қутулиш қийин...

Ушбу бурж остида туғилган эркаклар ҳеч қачон аёлларга бўлган меҳр-муҳаббатини сўндирмайдилар. Севгиси алдангудек бўлса, кўп азият чекмайди, аксинча, у сизни тез кунда унутиб юборади. Ҳаётда ўз жуфтини топиш у учун жуда қийин кечади.

У сизнинг сирларингизга унча қизиқиш билдирмайди. Ҳатто кўз олдида нималар содир бўлаётганига ҳам ақли етмай қолади. Лекин атрофида содир бўлаётган воқеаларни доим «маъқул» ва «номаъқул»га чиқаради.

У шовқин-суронни ёқтирмайди. Агар сиз уйингизни ва ўзингизни сариштa тутсангиз, бир кунмас бир кун эрингизнинг энг олижаноб инсонлигини тушуниб етасиз.

АЁЛЛАР. Ниҳоятда чиройли ва жозибалидир. Бу аёл билан бир марта суҳбатлашган киши бир умрга татигувчи сабоқ олгандай бўлади. Аслида ҳам шундай. Гарчи бу мучал аёли маслаҳат беришни ёқтирмаса-да, кўп нарсага ақли етади. Бу аёлда ҳеч кимда учрамайдиган ажойиб хусусият бор: маслаҳат тинглашни ёқтиради.

Унинг катта лавозимларда ишлашга туғма лаёқати бор. Ҳаётдаги кескин ўзгаришлар, тақдирнинг аёвсиз зарбалари сираям эсанкиратиб қўймайди. У фақат мақсад сари интилиб яшайди. Баъзида шундай ҳолатлар бўлади-ки, ҳар нарсага ақли етган аёл бирдан энг оддий нарсаларга гўё тушунмаётгандек атрофдагиларнинг жиғига тегиб саволлар ёғдиради. Бундай пайтларда унга қарши бирор сўз айтгудек бўлсангиз нақд балога қоласиз. Чунки бу аёл ақл бовар қилмайдиган ақидаларни ҳаётга татбиқ этиш мумкинлигини исботлаб бера олади.

Оилада асосий ўринни у эгаллайди. Аммо турмуш икир-чикирларининг деярли ҳаммаси шу аёлнинг елкасида бўлса ҳамки, умр йўлдошини жуда ҳурмат қилади, ўзидан юқори қўяди. Пул жамғаришни ва иқтисод қилишни билади. Арзимаган миқдордаги маошга кўп нарса харид қила олади.

Болалари ҳамма қатори яшашади. Бу аёл болаларига ҳам, ўзига ҳам чиройли кийимлар харид қила олади. Уйи эса оромбахш макон!

Оилада ҳар нарсага улгуради, саранжом-сариштa бека, болаларига қаттиққўл, меҳрибон она.

Хотираси жуда мустаҳкам. Ҳатто бошқаларнинг эътиборидан четда қоладиган нарсаларга ҳам диққат билан қарайди. У сизни кўпчилик олдида асло қийин аҳволга солиб қўймайди. Шуни билингки, у энг соҳибжамол ва ақлли аёлдир!

Сиз кутмаган учрашув

ТАҲРИРИЯТДАН: *орамизда оддий, аммо камтарона ишлари кўпчилик учун қизиқиш уйғотиши мумкин бўлган одамлар оз эмас. Шундай камтар инсонлардан бири қорақалпоғистонлик шоир ва журналист Ғойиб Ёқубовдир. У 1937 йилда Хўжайлида туғилган. 1961 йилда Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика бўлимини тугатган. Кўп йиллардан бери «Маърифат» газетасида ишлаб келмоқда. У мухбиримизга давримизнинг улкан ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор билан бўлган учрашувлари тўғрисида сўзлаб берди:*

Абдулла Қаҳҳорнинг ҳаммуаллифи

— Университетдаги таҳсил чоғида гуруҳимизда Ошиқ Эркин, Тальят Солиев, Ғайбулла Ерниёзов, Тоҳир Мирҳодиевга ўхшаган ўт-олов, ижодда қайнаб-тошиб юрган азаматлар кўп эди. Ўша «учқун» менга ҳам озгина юққан чоғи. Ахир Паҳлавон Маҳмуд бобомиз ёзган-ку, сафимизга чумоли келса қудратимиз орқасида филга айланади деб. Мен ҳам кўзимни чирт юмиб гоҳ шеър, гоҳ ҳикоя машқ қилардим. Дорилфунунни битирган кезимизда Қорақалпоғистонда бир ёзувчининг асарлари қўлимга тушиб қолди: муқовасида Тўлепберген Қаипбергенов деб ёзилган. Аммо бу ном ҳали кўпчиликка таниш эмас эди. Асар «Номус кучи» деган қисса экан, кечаси билан ухламасдан ўқиб чиқдим. Эртасига куни бўйи шу асар таъсирида юрдим. Асардаги диалоглар тилимга кўчди. Хуллас, ўзимча хом режа тузиб, қўлимга қалам олдим-да, «Номус кучи»ни ўзбек тилига ўгирдим. Ўшанда менда таржима, унинг қонунқоидалари тўғрисида заррача тасаввур йўқ эди. Лекин қорақалпоқ тилини яхши билардим. Шу боис унчалик чўчимадим. «Таржимам»ни кўрган Тўлепберген оға олтин топган одамдек севиниб кетди. «Бир оғиз раҳмат айтди-да, портфелига солиб кетди. Мен индамай қолаверdим. Кейин эшитсам тўғри Тошкентга, Дўрмонга бориб, айнан Абдулла Қаҳҳорнинг қўлига берган экан. Эътиборни қарангки, ўша куниёқ Абдулла ака қўлёзмани ўқиб, шом чоғида Т.Қаипбергеновни ахтарибди. Кечроқ қайтиб келганида бу гапни оғага етказганларида у терисига сиғмай таниш шоирдан Қаҳҳорнинг ҳовлисига бориб келишни қайта-қайта илтимос қилибди. Охири ўша шоир киргани-да ёзувчи:

— Эртага кечки соат олтида шийпондаги сўрига келсин! — депти. Ўша кечаси бутунлай ухламай чиққанини Тўлепберген оға ҳали-ҳали айтиб юради. Эртасига тайинланган соатда ундан ташқари бир неча ўзбек ва қорақалпоқ қаламкашлари тўпланишади. Аниқ белгиланган вақтда домла сўрига келиб улар билан илиқ сўрашади. Қўлидаги қўлёзмага ишора қилиб:

— Бу катта гап-ку! — дейди. — Таржимон шоирми, ёзувчими?

— Ҳаваскор! — жавоб беради Т.Қаипбергенов.

— Ҳаваскор бўлса ҳам у кишида бадиий дид бор экан. Агар рухсат берсангиз, таржимани таҳрир қилиб Ғ.Ёқубовга ҳаммуаллиф бўлар эдим!

Бу гапдан кейин Тўлепберген оғанинг кўзларида ёш айланади.

Ёш қаламкашни Қаҳҳордек улуғ ижодкор тан олиб турса, ҳазилакам гапми? Кейин ёзувчи:

— Асқад Мухторга айтиб кўринг. Босадиган бўлса қўлёзмани қиёмига келтирамиз! — деб ўрнидан туради. Эртасига Т.Қаипбергенов «Шарқ юлдузи» журнали бош муҳарририга кириб, шу гапни айтганида Асқад Мухтор:

— Э, қанақа одамсиз, оғайни, Абдулла Қаҳҳордек ёзувчи асарингизни таржима қиладию, биз босмаймизми, жон деб босамиз! — дейди. Бу хабарни эшитган Абдулла Қаҳҳор босиқлик билан кулиб қўяди-да, кейинчалик мени излатади. Шундай катта ёзувчи йўқлаётганини эшитиб ҳаяжонга тушдим. Эртасига самолётда Тошкентга учдим. Улкан ёзувчининг олдига бир ўзим боришим қийин эди. Адабиётшунос дўстим Камол Худойбергановни ўзимга ҳамроҳ қилиб олдим. Адибнинг «Шелковичная» кўчасидаги уйига бордик. Эшикни кўпчиликка маълум Аний очди. Кимлигимни айтганимдан сўнг:

— Абдулла ака эртага кечқурун соат еттида сизни кутаркан! — деди.

Эртасига айтилган вақтда таниш эшикни тақиллатдик. Бу гал эшикни ёзувчининг ўзи очди. Ўша кунгача айрим одамлардан Абдулла акани ўта жиддий қиёфали, қизиққон киши деб эшитган эдим. Йўқ, оддийгина, очиқ чеҳрали, мийиғида кулиб турган, аммо озгина салобатли Абдулла Қаҳҳор икковимиз билан ҳам илиқ сўрашди. Ичкарига таклиф этди. Шошганимдан:

— Мен Ғойиб Ёқубов бўламан! — деб юборибман.

— Хабарим бор, — деди устоз кулиб.

— Ғойибжон, сиз Тошкентда туғилганмисиз? — сўрадилар дастурхон атрофига ўтирганимиздан сўнг.

— Йўқ, домла. Қорақалпоғистонда туғилганман. Тошкентда ўқиганман. Бу дўстим Камол Худойберганов!

— Сизларнинг Қорақалпоғистонда Худойберганов фамилияли одамлар кўп. Нашриёт директори Атағулла Худойберганов билан гаплашдик. «Синчалак»ни чиқаришибди.

— Ҳа, «Шаппаттай қиз» номи билан нашр этилди.

— Бу киши ҳам Худойберганов экан-да. Айтганча, сиз томондан Норбой Худойбергановнинг мақолалари Москва матбуотида кўп чиқяпти. У киши рус мактабида ўқиганми?

— Йўқ, ўзбек мактабида ўқиган.

— Сизларда Худойберганов-лар, Хоразмда Жуманиёзовлар кўп бўлади!

Кейин адиб Тўлепберген Қаипбергенов ҳақида:

— Ёзувчиликда кўзи ўткирлашиб қолган. Келажакда ундан дурустгина ёзувчи чиқади. Ўзимиздаги Абдулла Орипов, Эркин Воҳидовдан ҳам умидимиз катта. Айтганча Жўлмирза Оймурзаев яхши юрибдими? Димоғи чоғми?! — шу ўринда Абдулла ака менга маъноли тикилди. Ўзимни йўқотиб қўйдим. Ўрнимга Камол Худойберганов:

— Жўлмирза оға яхши юрибдилар! — деди. Шунда Абдулла Қаҳҳор ниманидир эслагандек мийиғида кулиб қўйдилар. Анча суҳбатлашганимиздан кейин биз тушунмайдиган тилдаги китобни кўрсатдилар. Бу «Синчалак»нинг немис тилида чоп этилгани экан. Кибриё опам дамлаган ошини олиб келди. Овқатга қолмасдан рухсат сўраганимизда домла унамадилар. Ош ейилди. Анча вақттача фамил чой ичдик. Адиб адабий жараён, ёшлар ижоди, адабиёт олдидаги вазифалар тўғрисида жуда оддий, бироқ теша тегмаган гапларни айтдилар. Раҳматли дўстим Камол Худойбергановни билмадиму мен кўп гапларни эслаб қола олмадим. Шу кундан бошлаб Абдулла Қаҳҳор билан ҳаммуаллиф бўлиб, Т.Қаипбергеновнинг «Совуқ бир томчи» қиссасини таржима қилдик. Асар тез орада «Шарқ юлдузи»да, кейин китоб ҳолида нашр этилди. Кейин ўша муаллифнинг «Уйқусиз кечалар» қиссасини таржима қилган эдим. Абдулла ака бағрикенглик билан чуқур таҳрир қилдилар-да:

— Энди қўлингиз келишиб қолибди. Бу гал Абдулла Қаҳҳор таржимадаги улушидан воз кечади. Таржима фақат Сизнинг номингиздан чиқаверсин! — дедилар. Ҳаяжондан тилим танглайимга тиқилиб қолди. Устозга миннатдорчилик билдиришга ҳам тилим айланмади. Бу асар китоб бўлиб чиқди. Ўша қўлёзма эса Абдулла Қаҳҳорнинг тузатишлари, табаррук дастхати билан уйимизнинг тўрида, хонадонимизнинг бойлиги сифатида сақланмоқда!

«Халқ сўзи» мухбири Янгибой ҚЎЧҚОРОВ ёзиб олди.

Илҳом шовқини

Бўлимимизда саккиз нафар ходим ишлайди. Кўнгил кенг бўлса, торгина хонада ҳам бемалол ижод қилса бўлар экан. Хона бурчагидаги сандиқдай эски телевизор кун бўйи тинмайди. Девордаги радио эртаю кеч жаврайди. Учта телефон басма-басига жиринглайди. Машинистка қизимиз ишлатаётган ёзув машинкаси Никалай замонидан қолган. Ҳар ҳарфни босганида чиқиллаш ўрнига худди миянгга болта ургандай тақиллайди. Ўтириб, турганда ғилофи йиртилиб адо бўлган стул, креслоларнинг ҳар хил овозлар чиқаришини айтмайсизми?

Яқинда бир дўстим хонамизда беш минут ўтиролмади. — Юрагим қисилиб кетди, — деди у. — Қандай ишлайсизлар бу ерда? Жинни бўп қолиш ҳеч гапмаску.

Гапимнинг нишабидан бу қанақа жой экан? — деб ўйлаётган бўлсангиз керак. Топдингиз. Радио. Эшигига «К.Х.» бўлими деб ёзилган. Яъни кенгайтирилган номи — «Қишлоқ хўжалиги бўлими». Хонамизга бир кунда камида икки юз одам кириб чиқади. Бунинг устига «Фалончи келмадими? Келса айтинглар, биз пастда кутамиз!» деб сўровчи ва тайинловчилар бисёр. Баъзан интервю бергани ёки бирон арз-дод билан келувчилар пайдо бўлганда уларга ҳурмат юзасидан жой бўшатиб, ўзимиз тикка туриб ҳам ёзаверамиз.

(Ҳажвия)

Суратчи

Туман газетаси бош муҳаррири хонасига тўладан келган, соч-соқоли ўсиб кетган суратчи йигитни чақирди-да, унга бақира кетди:

— Ҳой, Эшматов сизда ўзи озгина виждон борми? Ахир, бир йил ичида йигирматадан зиёд қариндош-уруғларингизнинг суратини чиқарибсиз-а.

— Нима қилай, илтимос қилишса...

— Илтимос, илтимос эмиш. Нима, илтимос қилишса, чиқараверасизми? Э, одамни ҳар нарса бўлгани яхши-е! Бу дунёда инсон зоти қуриб кетганми сизнинг таништарингиздан бошқа? Иккинчи бунақа номаъқулчиликлар такрорланмасин! ...«Тушунтириш хати» ёзиб қолдириб кетинг. Суратчини қайтариб сўради:

— Ҳа, айтмоқчи... — Эртага мураббийлар куни. Срочно биринчи бетга 2-3 та сурат керак. Манави мактабга ҳозироқ учинг. Бу қоғозда кимлар олиниши ёзиб қўйилган. Мактаб директорини албатта олинг. Жуда фотогеничный одам. Яқинда... У киши билан қуда бўлмоқчимиз... Суратлари қизларидай чиройли бўлсин. Вперёд!

— Ҳой барака топкур, «Эсмеральда»ни кеча кўрмадингми? Овозини сал пасайтир, телефондаги гапни эшитиб бўлмаяпти.

— Радиони бир пас ўчириб туринг биродар, бош оғриб кетди.

— Э, қандай ўчираман, кўряпсиз-ку, эшиттиришим кетяпти.

— Ҳой, секинроқ гапиринг. Калладаги фикрларни ўчириб юбординг.

— Стулингизни сал олдинга суринг. Ўтиб кетай...

Хуллас, шунақа гаплар.

Одам боласи ҳар қандай шароитга кўникиб кетар экан. Дастлаб ишга келган кунларимда бунақа шароитда мутлақо ишлай олмасам керак, деб ўйлагандим. Аксинча, ўрганиб кетдим. Мана 15 йилдирки, шу шовқин-суронда гумбурлатиб ижод қиляпман.

Ҳозир тинчроқ жойда ҳеч нарса ёзолмайман. Яқинда ижодий сафарда бўлдим. Бир хўжаликнинг меҳмонхонасида таассуротларимни қоғозга тушириб қўяй деб кечқурун роса уриндим. Қани илҳом келса? Ҳеч нарса ёзолмадим. Мана кўряпсизми? Илҳом ҳам шароитга мослашиб қоларкан.

Эрталаб энди ишни бошламоқчи бўлиб турувдик, эшикни қия очганча семиз котиба қизнинг ингичка, чинқироқ овози эшитилди:

— Жаноб жентельменлар! Ҳамма «шеф»нинг хонасига! Кеча Қорғдиевнинг эшиттиришида жиддий «чп» ўтиб кетибди. Ҳозир ана шунинг «разбор»и бўларкан.

Қорғдиев — бу мен!

Ўткир САИДОВ.



Сувлар оқар тоғлар бағридан,
Гоҳо тошқин, гоҳо жилдираб.
Дарё мисол умр ўтмоқда,
Армонларни ортда қолдириб.

Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ сурат-лавҳаси.

САВОЛ БИЗДАН...

Биринчи бор инсон овозини сим орқали эшитиш имконини берган телефон аппарати қачон ва ким томонидан кашф қилинган?

Кечаги сонда берилган саволнинг жавоби:
Галилей, 1609 йилда.

136-35-60

«Халқ сўзи» Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 132-12-08;
Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 977;
27225 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — О. РАҲИМОВ.
Навбатчи — Ҳ. КАРИМОВ.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[t] — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.30
1 2 3 4 5 6

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТИ ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИГА

Сизларни
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институтининг етмиш йиллиги муносабати билан чин дилдан табриклаймиз.

Сизнинг институтингиз нафақат Марказий Осиё минтақасида, балки бир қанча хорижий давлатларда ҳам енгил саноат ва тўқимачилик машиносозлиги учун мутахассислар тайёрловчи асосий олий ўқув юрти сифатида танилгандир. Ўзбекистон Республикасининг илмий ва иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қўшган ҳиссангиз бебаҳодир. Сизнинг ҳамманизга изжодий ижкалиш, соғлик-саломатлик, бахт ва омад тилаймиз.

«Ўзмашсаноат» уюшмаси раҳбарияти.

ДААД/ Очиқ жамият институти дастури ҳақида маълумот

Таклиф этилган дастурлар:
- магистрликнинг 2 йиллик дастури;
- илмий иш (диссертация) билан шуғулланувчи аспирантлар ва изланувчиларнинг 3 йиллик дастури;
- ҳар йили 3 ойдан иборат 2 йил давомида бериладиган стажировка.

Академик дастурлари:
Снёсий фанлар, жамиятшунослик фанлари, халқаро алоқалар, ҳуқуқшунослик, жамиятни бошқариш, таълим бошқаруви, соғлиқни сақлаш, фалсафа.

Ҳужжатлар топшириш муддати:
2002 йилнинг 30 ноябригача.

ДААД минтақавий мувофиқлаштирувчиси:
Ева Портиус, республика таълим маркази (РТМ)
700027, Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон» шоҳкўчаси, 80-уй.
Тел./факс: ++998-71-144-70-78.
e-mail: daadreguz@aol.com

Очиқ жамият институти, Камол Диёров,
700031, Тошкент шаҳри, «Зарбоғ» кўчаси, 31-уй.
Телефонлар: ++998-71-120-50-10, 120-50-11, факс: 120-68-54.
e-mail: kamol@osi.uz

ТДТУ жамоаси «Электроника ва автоматика» факультетининг «Электрон техника материаллари физикаси ва технологияси» кафедрасининг доценти Забиҳилло ШАҲОБИДДИНОВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

«Ўзбектуризм» миллий компанияси жамоаси молия-иқтисодиёт бошқармаси бошлиғи Зиёдулла Толибжоновга онаси Азиза ҚОБИЛОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.